БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 70 (7517)
25 МАРТ
ШАНБА
1950 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Жамоат маҳсулдор чорвачилигини борган сари ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган сталинча ғамхўрлиги колхозчи деҳқонларни социалистик деҳқончилик ва чорвачиликда янги ғалабалар учун, совет Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш учун курашга илҳомлантиради.

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетида

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 18 апрельда „Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани (1949—1951 йиллар)“ ҳақида чиқарган қарорининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 18 апрельда «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани (1949 — 1951 йиллар)» ҳақида чиқарган қарори қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида партия ва давлатнинг асосий вазифаси бўлган чорвачиликни ҳартарафлама юксалтириш вазифасини қўйди. Бу қарор муваффақиятли суратда амалга оширилмоқда.

Колхоз ва совхозлар чорвачиликни ривожлантириш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириб, 1949 йилда чорва моллар ва паррандалар сонини ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини анча оширдилар, янги чорвачилик фермаларини тузиш ва жамоатга қарашли молларнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш соҳасида катта иш қилдилар. Кўпгина колхоз, районлар ва бутун-бутун областьлар чорвачиликни ривожлантириш учйиллик планида 1949 йилга мўлжалланган топшириқларни ошириб бажардилар. Шу ўтган йил ичида колхоз ва совхозларда янгидан кўп миқдорда молхоналар қурилди, молларни боқиш ва парвариш қилиш яхшиланди, чорвачилик фермаларини ва ем-хашак тайёрлаш ишларини машиналаштириш, шунингдек чорвадор кадрлар тайёрлаш соҳасида талайгина иш қилинди.

1949 йилда колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар давлатга топширилган гўшт, сут, мой, тухум, жун ва кўн-тери миқдорининг анча оширилишини таъмин этди. Чорвачиликни ривожлантириш учйиллик планининг 1949 йилда бажарилиш якунлари колхозларнинг жамоат чорвачилиги совхоз чорвачилиги блан бирга мамлакатда моллар сони умумий миқдорининг салмоғи жиҳатидан ҳам, юқори сифатли чорвачилик маҳсулоти тайёрлаш жиҳатидан ҳам тобора зўр аҳамиятга эга бўлаётганлигини исбот этади.

ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг 1949 йил 18 апрельда «Колхоз ва совхозларнинг жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани (1949 — 1951 йиллар)» ҳақида чиқарган қарори қандай бажарилаётганлиги тўғрисида СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги ва бошқа министрликлар ҳамда область, ўлка, республикалардаги партия, совет органларининг ҳисоботларини ва СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармасининг материалларини қараб чиқиб, ССР Иттифоқи Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети қарор қилдилар:

I. Колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш

1. Область, ўлка ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1949 йилда ҳарбир колхозда тўрттала маҳсулдор мол ва парранда фермалари ташкил этиш юзасидан партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифани бажариб, ўтган йили колхозларда 72 мингга яқин янги маҳсулдор мол фермаси ва 48 минг паррандачилик фермалари ташкил этишни таъминладилар, деб қайд қилинсин. Ярославль, Вологда, Владимир, Брянск, Великие-Луки, Смоленск, Иркутск, Харьков, Ворошиловград областьларидаги колхозларда янги фермалар ташкил этиш соҳасида айниқса кўп иш қилинди. Латвия ССР, Литва ССР, Эстония ССРда ва Украина ССРнинг ғарбий областьларида жамоат чорвачилигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришилди. Бу областьларда деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлашиб, 1949 йилда маҳсулдор мол ва парранда фермаларини кўплаб ташкил қилдилар.

Колхозлар 1949 йилда чорвачилик фермаларини йириклаштирдилар, кўпгина колхозлар эса ҳамма маҳсулдор мол туёғи ва паррандаларнинг сони бўйича оширилган ва 1953 йилнинг охирига мўлжалланган минимумини бажаришга муваффақ бўлдилар.

Шу блан бирга баъзи область, ўлка ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларда чорвачилик фермаларини белгиланган миқдорда ташкил этиш юзасидан берилган топшириқларнинг бажарилишини таъминламадилар. Калуга областида 89 колхозда 1950 йил 1 январьгача чўчқачилик фермалари ва 63 колхозда паррандачилик фермалари ташкил этилмай қолди. Горький областида 61 колхозда чўчқачилик фермалари ва 118 колхозда паррандачилик фермалари ташкил этилмади. Чкалов областидаги 145 колхозда паррандачилик фермалари очилмади. Олтой ўлкасидаги, Омск, Кировск, Новгород ва Рязань областьларидаги колхозларда ҳам чўчқачилик ва паррандачилик фермаларини ташкил қилиш ишлари тамомланмади.

Жамоатга қарашли қорамоллар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш

2. 1949 йилда колхозлардаги қорамол туёғи 22 процент, шу жумладан сигирлар 27 процент кўпайди. Қорамол туёғи урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 27 процентдан зиёд ортди. 1949 йилда колхозларда 16 мингдан ортиқ янги қорамол фермаси ташкил этилди, фермалар анча йириклаштирилди.

Кўпчилик область, ўлка ва республикалардаги колхозлар жамоатга қарашли қорамол туёғини кўпайтириш юзасидан 1949 йилга белгиланган планни ошириб бажардилар. Украина ССР, Тамбов, Пенза, Великие-Луки, Брянск, Москва, Кострома, Орёл, Смоленск, Калинин, Новосибирск, Тюмень областьлари ва Татаристон АССРдаги колхозлар ўтган йили қорамол туёғини ғоят кўпайтирдилар ва қорамол туёғи планини ошириб бажардилар.

Шу блан бирга бирқанча область, ўлка ва республикаларда жамоатга қарашли қорамол туёғини кўпайтириш ва хусусан сигирлар сонини кўпайтириш юзасидан 1949 йилга белгиланган план бажарилмай қолди. Чкалов, Саратов областьлари, Қозоғистон ССР, Туркманистон ССР ва Арманистон ССРдаги колхозларда жамоатга қарашли қорамол туёғини кўпайтиришда 1949 йил плани анча бажарилмай қолди. Бу область ва республикаларда қорамол туёғини кўпайтириш имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмади, молларнинг нобуд бўлиши ва талон-торож этилиши орқасида талайгина молларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилди.

Колхозлар 1949 йилда молларни яйловларда ва молхоналарда боқиб семиртириш ишларини яхши йўлга қўйдилар. 1948 йилдагига нисбатан 213 минг ортиқ қорамолнинг яйлов ва молхоналарда боқилишини таъмин этдилар. Гўшт мажбурияти ҳисобига давлатга топширилган молларнинг сифати ҳам яхшиланди. СССР Гўшт ва сут саноати министрлигининг маълумотларига қараганда, 1949 йилда Бутун Иттифоқда давлатга 1948 йилдагига нисбатан 31 процент ва 1940 йилдагига нисбатан 20 процент ортиқ семиз қорамоллар топширилган. Шу блан бирга Сталинград, Челябинск, Грозний областьлари, Арманистон ССР, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қирғизистон ССРдаги колхозларда молларни яйловларга чиқариб боқиш қониқарсиз уюштирилди. Бунинг натижасида мазкур область ва республикаларда давлатга талайгина миқдорда ориқ моллар топширилди.

Кўпгина областьлардаги колхозлар 1949 йилда сигирларнинг сутини кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Москва, Владимир, Ярославль, Вологда, Брянск, Новосибирск, Горький, Кемерово, Тула, Калуга, Иваново областьлари, Чувошистон АССР ва бошқа кўпгина областьлардаги колхозларда ҳарбир сигирдан ўртача миқдорда олинган сут 1948 йилдагидан ортиқ бўлди. Аммо бирқанча область, ўлка ва республикаларда 1949 йилда колхоз фермаларидаги сигирлардан олинадиган сут миқдорини ошириш ҳақида берилган топшириқлар бажарилмади. Орёл, Сталинград, Куйбишев, Пенза, Саратов, Воронеж, Курск, Ростов, Омск, Челябинск, Свердловск областьлари, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги маҳаллий партия ва совет органлари сигирларнинг сутини кўпайтириш учун зарур тадбирларни кўрмадилар ва сут соғиш давлат планининг бажарилишини таъминламадилар.

Жамоатга қарашли қўйлар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш

3. 1949 йил мобайнида колхозларда қўй ва эчкилар сони 19 процент кўпайди ва урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 44 процент ортди. Ўтган йили колхозларда янгидан 18,8 минг қўйчилик фермаси ташкил этилди. Қўйчилик фермалари анча йириклаштирилди.

Украина ССР, Белоруссия ССР, Қирғизистон ССР, Красноярск ва Краснодар ўлкалари, Новосибирск, Омск, Кемерово, Тюмень, Иркутск, Грозний, Қрим, Тамбов, Москва, Иваново, Владимир, Ярославль, Кострома, Вологда, Воронеж, Орёл ва Брянск областьлари, Шимолий Осетия АССР, Кабарда АССР ва Татаристон АССРдаги колхозлар қўйлар сонини анча кўпайтириб, 1949 йил планини ошириб бажардилар.

Колхозларда совлиқ қўйларни сунъий қочириш усули кенг татбиқ этилди. 1949 йилда 1948 йилдагига нисбатан 3,3 миллион кўп совлиқ қўй сунъий усулда қочирилди.

1949 йилда колхозлар тайёрлаб давлатга топширган жуннинг миқдори ортди ва сифати яхшиланди.

Аммо бирқанча область ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларда қўйчиликни ривожлантириш юзасидан 1949 йилга белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъмин этмадилар. Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Доғистон АССР, Чкалов ва Саратов областьларидаги колхозларда қўйлар сонини кўпайтириш плани анча бажарилмай қолди. Мазкур республика ва областьларда қўйчиликни ривожлантириш учун мавжуд шароитдан ҳали етарли даражада фойдаланмаётирлар, шунингдек колхоз фермаларидаги қўйларнинг талон-торож қилинишига қарши тегишинча кураш олиб борилмаётир. Колхозлар молларни қиш фаслида боқишга ва хусусан қишки яйловларда зарур миқдорда ем-хашак запаслари вужудга келтиришга қониқарсиз тайёрланганликлари орқасида 1949 йилда Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Озарбайжон ССРдаги кўпгина колхозларда талайгина қўй нобуд бўлган.

Бирқанча область, ўлка ва республикаларда майин жунли қўйларни кўпайтириш ва уларнинг жунини ошириш соҳасидаги ишлар ҳам қониқарли эмас. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, бирқанча область, ўлка ва республикалардаги маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари совлиқ қўйларни сунъий усулда қочириш планининг ва қўйлар сифатини яхшилаш планининг бажарилишини таъмин этмадилар.

Қозоғистон ССР, Олтой, Краснодар ўлкалари, Новосибирск, Пенза, Тамбов ва Чита областьларидаги колхозлар майин жунли қўйлар сонини кўпайтириш планини бажармадилар. Калинин, Горький, Великие-Луки ва Псков областьларида ярим майин жунли қўйларни кўпайтириш юзасидан берилган топшириқлар қониқарсиз бажарилмоқда.

Жамоатга қарашли чўчқалар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш

4. 1949 йилда колхозларда чўчқалар сони 78 процент кўпайди ва урушдан аввалги 1940 йилдагига нисбатан 16 процентдан зиёд ортди. Ўтган йили колхозларда 36,7 мингта янги чўчқачилик фермалари ташкил этилди, шунингдек мавжуд фермаларни йириклаштириш соҳасида катта иш қилинди. Колхоз фермаларида ўртача ҳисоб блан ҳарбир урғочи чўчқа туққан болаларнинг сони кўпроқ бўлди. Кўпгина колхозлар 1949 йилда ҳарбир урғочи чўчқадан ўртача ҳисобда 12—15 ва бундан ҳам кўпроқ чўчқа боласи олдилар. Чўчқаларни боқиб семиртириш 1948 йилдагига нисбатан анча яхши уюштирилди. Бу ҳол ўтган йили колхозларнинг давлатга икки мартадан ҳам зиёд чўчқа гўшти топширишларига имкон берди. Колхозлар томонидан давлатга топширилган чўчқаларнинг ўртача вазни ҳам ортди.

Новосибирск, Брянск, Ульяновск, Кострома, Смоленск, Тула, Ленинград, Великие-Луки, Новгород, Псков ва Калининград областьларидаги колхозлар 1949 йилда планни анча ошириб бажардилар ва чўчқалар сонини кўп даражада оширдилар.

Украина ССРдаги колхозлар чўчқалар сонини икки марта кўпайтиришга муваффақ бўлдилар. Днепропетровск, Житомир, Запорожье, Кировоград, Николаев, Одесса, Херсон ва Харьков областьларидаги колхозларда чўчқалар сони айниқса кўпайтирилди.

Шу блан бирга Горький, Челябинск, Чкалов, Ростов, Курган, Воронеж областьлари, Удмурдистон АССР, Бошқирдистон АССР, Краснодар ва Красноярск ўлкаларидаги колхозларда фермаларда чўчқалар сонини кўпайтириш юзасидан 1949 йилга белгиланган план бажарилмади. Мазкур область, ўлка ва республикалардаги кўпгина колхозларда чўчқаларни сақлаб қолиш учун лозим даражада кураш олиб борилмаётир ва чўчқаларнинг яхши боқилмай талон-торож қилиниши ва талайгина чўчқанинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Бирқанча областьларда чўчқаларни боқиб семиртириш ҳали яхши уюштирилмаган. Бунинг натижасида кўпгина колхозлар давлатга чўчқа гўшти топшириш планларини бажармаётирлар ва чўчқачиликдан кам даромад олмоқдалар.

Жамоатга қарашли паррандачиликни ривожлантириш

5. Область, ўлка ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1949 йилда колхозларда паррандачилик фермаларини ташкил этиш ва паррандалар сонини кўпайтириш соҳасида катта иш қилдилар.

Ўтган йили колхозларда паррандалар сони икки мартадан зиёд кўпайди ва урушдан аввалги миқдордан 48 процент ортиб кетди. 1949 йил мобайнида колхозларда янгидан 48 мингга яқин паррандачилик фермаси ташкил этилди. Паррандачилик-инкубатория станциялари паррандачилик фермаларини тўлдириш учун колхозларга давлат планида белгиланганидан 20 процент ортиқ жўжа сотдилар.

Аммо, мамлакатда умуман паррандалар сонининг ортишига қарамай, Воронеж, Курск, Тамбов, Сталинград, Чкалов, Ростов, Саратов областьлари, Красноярск, Олтой ўлкалари, Татаристон АССР, Украина ССР, Белоруссия ССР ва Қозоғистон ССРдаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари 1949 йилда колхозларда паррандачиликни ривожлантириш планининг бажарилишини таъмин этмадилар.

Қозоғистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Туркманистон ССР Министрлар Совети, Грузия ССР Министрлар Совети, Тожикистон ССР Министрлар Совети ва Озарбайжон ССР Министрлар Совети 1949 йилда паррандачилик-инкубатория станциялари қуриш планининг бажарилишини таъмин этмадилар.

Маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари ва колхоз раҳбарлари паррандаларни озиқ-овқат блан таъминлаш, шунингдек паррандахоналар қурилишига кўп ҳолларда етарли даражада эътибор қилмаётирлар. Кўпгина паррандачилик-инкубатория станциялари кўпинча жўжа очтириш ва сотиш блан чекланиб, колхозларга зоотехника соҳасида зарур ёрдам кўрсатмаётирлар.

6. Колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планида 1950 йилга белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида республикаларнинг Министрлар Советларига, область, ўлка ижроия комитетларига, иттифоқдош республикаларнинг компартия Марказий Комитетларига, область ва ўлка партия комитетларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва унинг жойлардаги органларига қуйидаги ишларни бажариш мажбурияти юклансин:

а) жамоатга қарашли ҳархил чорва моллар ва паррандалар сонини кўпайтириш ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш юзасидан 1950 йилга мўлжалланган планларнинг ҳарбир колхоз ва ҳарбир район томонидан бажарилишини таъминлаш учун зарур тадбирлар кўрилсин.

Чорва моллари ва паррандаларни яхши боқиш, парвариш қилиш, фан ютуқларини, сигир соғиш, молларни семиртириш, кўпроқ жун олиш, кўпроқ тухум олиш, урчитиш ва ёш молларни яхши сақлашда юксак натижаларга эришган илғор колхозлар, илғор колхозчиларнинг тажрибаларини колхозларда кенг жорий қилиш — маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг ва колхоз раҳбарларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин;

б) учйиллик планда мол туёғини кўпайтириш юзасидан ўзларига берилган топшириқларни бажарган, шунингдек фермаларда моллар ва паррандаларни кўпайтиришда янгидан оширилган минимумни бажарган ва айни замонда жамоат чорвачилигини янада ривожлантириш учун зарур имкониятларга эга бўлган колхозларга чорвачиликни ривожлантириш учйиллик планини ошириб бажариш ва фермаларда мол туёғи ҳамда паррандалар сонини тобора кўпайтириш тавсия этилсин. Жамоат чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планига мувофиқ колхозларга берилган топшириқлар ва фермалардаги мол туёғининг миқдори жиҳатидан белгиланган минимум колхозларда жамоат чорвачилигини ривожлантиришда чегара эмас эканлиги назарда тутилсин;

в) фермаларда урғочи молларнинг қисир қолиши ва молларнинг нобуд бўлишини тугатишга эришилсин, токи, мол туёғини кўпайтиришнинг асосий манбаи бўлган жамоат чорва молларини урчитиш йўли блан колхозларда чорвачиликнинг янада ривожлантирилиши таъмин этилсин; шунингдек бирқанча колхозларнинг чорвачиликни ривожлантириш планини бажармаганлари ҳолда, колхоз фермаларидаги молларни сўйиш ва сотиш каби зарарли ҳолларга хотима берилсин;

г) ҳарбир колхознинг молларни яйловларда ва молхоналарда боқиб семиртириш юзасидан 1950 йилга берилган топшириқларнинг бажарилиши учун қўшимча тадбирлар кўрилсин, токи давлатга гўшт мажбурияти тариқасида одатда фақат семиз молларгина топширилсин;

д) майин жунли, ярим майин жунли ва ярим дағал жунли қўйлар сонини ошириш ва уларнинг жунини кўпайтириш юзасидан белгиланган планнинг сўзсиз бажарилиши таъминлансин;

е) 1950 йилда паррандачилик-инкубатория станцияларини белгиланган муддатларда қуриб ишга тушириш плани сўзсиз бажарилсин, ёш паррандаларни етиштириш ва паррандачилик фермаларини паррандалар блан таъминлашда колхозларга зарур ёрдам берилсин, колхозларда сувда сузадиган паррандаларни кўпроқ урчитишга эътибор қилинсин.

II. Ем-хашак базасини мустаҳкамлаш

7. 1949 йилда колхозларда жамоат чорвачилиги учун ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан талай ишлар қилинганлиги, 1948 йилдагига қараганда 8 миллион тонна кўп хашак тайёрланганлиги ва 3,6 миллион тонна кўп силос бостирилганлиги қайд қилиб ўтилсин. Ўтган йили колхозлар кўп йиллик ўт, илдизи молга едириладиган ҳамда силос қилинадиган экинлар майдонини кенгайтирдилар ва 1948 йилдагига қараганда кўп йиллик ўт ва илдизи молга едириладиган экинлар уруғини кўп тайёрладилар.

Чорва моллари узоқ яйловларда боқиладиган районларда яйловларга сув чиқариш учун 1949 йилда 8 мингдан кўпроқ қудуқ қазилди ва ремонт қилинди, 59 та артезиан қудуғи, 262 ҳовуз қазилди, яйловлардаги чорва молларини суғориш учун 42,5 километр қувур ётқизилди.

Аммо область, ўлка ва республика партия, совет ва хўжалик органларининг 1949 йилда колхозларда ем-хашак базасини кенгайтириш юзасидан ўтказган ишлари етарли эмас; ем-хашак етиштириш ҳали жамоат чорвачилигининг ўсаборган талабларига жавоб берарли даражада эмас; колхозларда ем-хашак базасининг қониқарли аҳволда бўлмаганлиги ҳали ҳам чорва моллари сонини янада кўпайтиришга ва унинг маҳсулдорлигини оширишга аввалгича асосий тўсиқ бўлиб келмоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, кўпгина маҳаллий партия, совет органлари, МТС ва колхоз раҳбарлари 1949 йилда жамоат чорва молларини ем-хашак блан тўла таъминлаш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланиш юзасидан тегишли тадбирларни кўрмадилар. Новосибирск, Омск, Кемерово, Тюмень, Ульяновск областьларидаги, Олтой ва Красноярск ўлкаларидаги колхозларда ўтган йили кўпгина табиий пичанзорлар ўрилмай қолди. Бирқанча область, ўлка ва республикаларнинг колхозларида ғаллани комбайнлар блан ўргандан кейин кўп миқдорда сомон далалардан ўз вақтида йиғиштириб олинмади ва чорвачилик эҳтиёжлари учун фойдаланилмади. Бирмунча колхозларда силос қилинадиган экинлардан силос бостириш учун фойдаланилмади. Кўпгина колхозларда жамоат чорвачилиги учун ем-хашак фондлари ғамлаб қўйишга етарли эътибор берилмаётир.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, кўпгина область ижроия комитетлари, ўлка ижроия комитетлари ва республикаларнинг Министрлар Советлари 1949 йилда колхозларда табиий пичанзорларни ва яйловларни яхшилаш — ботқоқ ерларни қуритиш, кундаков қилиш, дўнгларни текислаш ва буталардан тозалаш юзасидан ҳукумат топшириқларини бажаришни таъминламадилар, шунингдек экилган ўтлар, илдизи молга едириладиган ва силос бостириладиган экинларнинг ҳосилини ошириш юзасидан етарли тадбирлар кўрмадилар. Натижада кўпгина колхозларда табиий пичанзорлар ва яйловларнинг ўти, шунингдек экилган ўтлар, илдизи молга едириладиган ва силос бостириладиган экинларнинг ҳосили ҳали ҳам жуда кам.

Бирқанча область, ўлка ва республикаларда ўт экишни ривожлантиришга ва ўт-далали алмашлаб экишни ҳамда ем-ўт алмашлаб экишни тезроқ жорий қилиш мақсадида кўп йиллик ўтлар уруғи етиштиришга тегишли эътибор берилмаётир, ўт уруғликлари кўпгиллагидек парвариш қилинмаётир. Уруғликни ўриб олиш, янчиш ва тозалаш кечикмоқда, бу эса ўт уруғлари ҳосилининг камайишига сабаб бўлмоқда. Воронеж, Пенза, Орёл, Рязань, Тамбов, Смоленск, Тула, Новосибирск, Курган областьларидаги ва Красноярск ўлкасидаги колхозларда ўт экиш ва ўт уруғи етиштириш айниқса қониқарсиз аҳволда.

Астрахань, Ростов областьлари, Ставрополь ўлкаси, Доғистон АССР, Қозоғистон ССР, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Грузия ССРнинг партия ва совет органлари, шунингдек СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги мавсумий яйловларни ўзлаштириш масаласи блан қониқарли шуғулланмаётирлар. 1949—50 йил қиш фаслида чорва молларини яйловларда боқиш учун зарур эҳтиёт ем-хашак ғамлаб қўйилмади, яйловларда қишловчи чорва молларининг кўп миқдори учун бино тайёрланмади. Яйловларга сув чиқариш ва қишки яйловларда чорва молларини боқувчи колхозчилар ҳамда мутахассислар учун зарур маиший шароит яратиб бериш юзасидан берилган топшириқлар ҳам бажарилмади.

8. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область, ўлка ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) ҳарбир районда, районларда эса ҳарбир колхозда ем-хашак базасини тезроқ мустаҳкамлаш юзасидан амалий тадбирлар кўрилсин, токи ем-хашак етиштиришнинг жамоат чорва моллари сонини кўпайтириш ҳамда унинг маҳсулдорлигини оширишдан орқада қолиши 1950 йил давомида тугатилсин;

б) 1950 йилда колхозларда кўп йиллик ўтлардан пичан ўриш 1949 йилдагига қараганда бир ярим-икки марта ва табиий пичанзорлардан пичан ўриш бир ярим марта кўпайтирилсин;

в) колхозларни 1950 йилда ем-хашак экинлари экиш юзасидан белгиланган давлат планини бажариш учун етарли миқдорда кўп йиллик ва бир йиллик ўт уруғлари ҳамда илдизи молга едириладиган экинлар — хашаки лавлаги, турнепс, хашаки брюква, шунингдек молга едириладиган полиз ва силос экинлари уруғлари блан таъминлаш тадбирлари кўрилсин. Ем-хашак экинларининг агротехника қоидалари жиҳатидан энг яхши муддатларда экилиши таъминлансин, бу экинлар, айниқса ўт уруғликлари яхши парвариш қилинсин, ҳарбир колхозда экилган ўтлар ўз вақтида ўриб олинсин, уруғликлар ўз вақтида ўрилсин ва янчилсин, токи 1950 йилда колхозларда ўз эҳтиёжлари учун тўла етарли миқдорда ем-хашак уруғлари ғамлаб қўйилсин;

г) 1950 йилда машина-трактор станцияларининг пичан ўриш, силос босиш, ўт уруғликларини ўриб олиш, пичанзор ва яйловларни яхшилаш планларини сўзсиз бажаришлари учун тегишли тадбирлар кўрилсин.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети қарорининг давоми

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

9. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, колхозлари табиий ўтзорлар блан та'минланмаган область, ўлка ва республикалардаги партия ҳамда совет органларига ўз даврида чорва молларини ўтзорларга навбат-банавбат ёйиб ва қўлда овқат бериб боқиш ҳамда кўп йиллик ўтлар экиб сун'ий яйловлар вужудга келтириш мажбурияти юклатилсин. Яйловлардан навбат блан фойдаланиш усули амалга оширилсин.

10. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССР, Ўзбекистон ССР, Тожикистон ССР, Туркманистон ССР, Озарбайжон ССР, Арманистон ССР, Грузия ССР, Доғистон АССР, Шимолий Осетия АССР, Ставрополь ўлкаси, Ростов, Астрахань, Сталинград ва Грозний областьларининг партия ва совет органларига 1950 йилда янги яйловларни ўзлаштириш, яйловларда қудуқлар қуриш ва уларни ремонт қилиш, эҳтиёт ем-хашак ғамлаб қўйиш, чорва моллари учун бинолар қуриш ва ремонт қилиш юзасидан белгиланган планларнинг бажарилишини та'минлаш ҳамда мавсумий яйловларда чорва молларини боқишда банд бўлган колхозчилар ва мутахассислар учун зарур маиший шароит яратиб бериш учун тегишли тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилсин.

III. Колхоз чорва фермаларида ем-хашак тайёрлашни ва оғир ишларни машиналаштириш

11. Колхозларда 1949 йилда чорвачилик фермаларида ем-хашак тайёрлашни ва оғир ишларни машиналаштириш ишлари кучайтириб юборилганлиги та'кидлаб ўтилсин. Чорвачилик ривож топган районларда ўтган йил мобайнида пичан ўриш, силос босиш, ем-хашак тайёрлаш, яйловларга сув чиқариш, пичанзор ва ўтзорларни яхшилаш, қўй-эчкиларнинг жунини қирқиш ва чорвачилик фермаларидаги бошқа оғир ишларни машиналаштириш учун махсус яйловларни мелиорация жиҳатидан яхшилаш ва машина-чорвачилик станциялари ташкил қилинди. Машина-трактор станциялари 1949 йили 4 миллион гектар ерда пичан ўрдилар.

Машина-трактор станциялари ва колхозлар 1949 йилда ем-хашак тайёрлашдаги ва чорвачилик фермаларидаги оғир ишларни машиналаштириш учун ўтган йиллардагига қараганда анча кўп қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари олдилар.

Шу блан бирга бирқанча область, ўлка ва республикаларда маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари чорвачилик фермаларини машиналаштириш ишларини қониқарли уюштирмадилар.

Кўпгина машина-трактор станциялари силос бостириш, ўтлоқ ва яйловларни яхшилаш юзасидан 1949 йилга белгиланган планни бажармадилар ва чорвачилик фермаларида машина ҳамда ускуналарни ўрнатиш ва улардан фойдаланишда колхозларга зарур ёрдам бермаётирлар.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги қишлоқ хўжалиги учун трактор ва от хаскашлари, силос қирқадиган машиналар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш юзасидан ҳукумат топшириқларининг ўз вақтида бажарилишини та'минламади, бу эса яйловларни мелиорация жиҳатидан яхшилаш ва машина-чорвачилик станцияларини машиналар блан та'минлашни кечиктирмоқда. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги силос комбайни, ем-хашак аралаштирадиган машина, қудуқ қазийдиган машина, моторли ва отга қўшиб ишлатиладиган ғарамлаш машинаси, хашакни буғлаб юмшатадиган электр машина ва бошқа шу сингари янги машиналарнинг конструкцияларини ишлаб бериш юзасидан берилган топшириқларни ҳам бажармади.

Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлиги трактор ва қўл блан кундакос қилинадиган лебедкалар, ариқ қазийдиган ва буталарни қирқадиган машиналарни 1950 йилда ишлаб чиқаришга секин тайёрланмоқда.

12. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, область, ўлка ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига ем-хашак тайёрлашни ва чорвачилик фермаларидаги оғир ишларни машиналаштириш юзасидан 1950 йилга белгиланган топшириқларнинг бажарилишини та'минлаш мажбурияти юклатилсин, бунинг учун:

а) янги тузилган яйловларни мелиорация жиҳатидан яхшилаш ва машина-чорвачилик станциялари машиналар, иморатлар блан ва зарур кадрлар блан та'минлансин:

б) чорвачилик фермаларида машиналарни ва энергетика ускуналарини ўрнатишда колхозларга ёрдам бериш учун ҳамма МТСларда махсус монтаж бригадалари ташкил қилинсин.

13. Қишлоқ хўжалик машинасозлик министрлигига ем-хашак тайёрлашни ва чорвачилик фермаларидаги оғир ишларни машиналаштириш учун номенклатурадаги машиналарни ишлаб чиқариш юзасидан 1950 йилга белгиланган планнинг бажарилишини та'минлаш, заводлар томонидан ишлаб чиқариладиган машиналарнинг сифатини яхшилаш ва ем-хашак тайёрлашни ҳамда чорвачилик фермаларида оғир ишларни машиналаштириш юзасидан кўпроқ машина ишлаб чиқариш учун заводларда қўшимча ишлабчиқариш қувватларини ишга солиш тадбирлари кўриш мажбурияти юклатилсин.

14. СССР Машинасозлик ва асбобсозлик министрлигига, Қурилиш ва йўл машинасозлиги министрлигига, Оғир машинасозлик министрлигига, Автомобиль ва трактор саноати министрлигига, Металлургия саноати министрлигига, Химия саноати министрлигига, Бинокорлик материаллари саноати министрлигига, Авиация саноати министрлигига, Электр саноати министрлигига ва Электр станциялар министрлигига чорвачилик фермаларини ва ем-хашак тайёрлашни машиналаштириш учун планда белгиланган миқдорда ва муддатларда қишлоқ хўжалигига машиналар, ускуналар, инкубаторлар, ёрдамчи асбоблар ва материаллар етказиб беришни та'минлаш, тайёр маҳсулотнинг корхоналарда тўпланиб қолишига йўл қўймаслик мажбурияти юклатилсин.

Мазкур министрликларга колхоз ва совхозларда ем-хашак тайёрлашни ва чорвачилик фермаларини машиналаштириш учун қишлоқ хўжалигига машиналар ишлабчиқариш ҳамда етказиб бериш тўғрисидаги планнинг қандай бажарилганлиги тўғрисида 1950 йил 15 июльгача СССР Министрлар Советига ҳисобот топшириш мажбурияти юклатилсин.

IV. Колхозларда молхоналар қуриш

15. 1949 йилда колхозларда молхоналар қуриш юзасидан катта ишлар олиб борилганлиги та'кидлаб ўтилсин.

Лекин 1949 йилда молхоналар қуриш умуман яхшиланган ҳолда, бирқанча область, ўлка ва республикаларда бу ишда катта камчиликлар бор.

Область, ўлка ва республикалардаги кўпгина партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари колхозларда молхоналар қуриш масалаларига тегишли э'тибор бермаётирлар, маҳаллий саноат корхоналарида бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан етарли тадбирлар кўрмайдилар, ғишт, черепица ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда колхозларга зарур ёрдам бермаётирлар. Кўпгина колхозларда молхоналар қуриш учун ёғоч тайёрлаш ишлари қониқарли уюштирилмаган ва бу иш учун ҳукумат томонидан ажратилган ўрмонлардан фойдаланилмай келинмоқда.

Ульяновск, Тамбов, Саратов, Сталинград областьларидаги, Украина ССРнинг кўпгина областьларидаги, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларидаги колхозларда молхоналар қуриш планлари яхши бажарилмаётир.

Республикаларнинг министрлар советлари, область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетлари ҳузуридаги қишлоқ ва колхоз қурилиши бошқармалари молхоналар қуришда колхозларга етарли ёрдам бермаётирлар. Иттифоқдош республикаларнинг министрлар советлари қишлоқ ва колхоз қурилиши бошқармаларини зарур маблағлар, ускуна ва машиналар блан та'минлаш чораларини кўрмаётирлар.

СССР Ёғоч ва қоғоз саноати министрлиги молхоналар қуриш учун колхозларга сотиш мақсадида иморатбоп ёғоч ва тахта етказиб бериш юзасидан ҳукумат топшириқларини қониқарсиз бажармоқда.

16. Колхозларда молхоналар қуриш юзасидан 1950 йилга белгиланган планнинг бажарилишини та'минлаш мақсадида республикаларнинг министрлар советларига, область ижроия комитетлари, ўлка ижроия комитетларига ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига колхозларда молхоналарни қуриш ишларига раҳбарликни яхшилаш, 1950 йил учун ажратилган ўрмон фондидан колхозларнинг тўла фойдаланишини та'минлаш тадбирларини кўриш, ёғоч тайёрлашни кучайтириш, ёғоч тайёрлаш конторасини зарур миқдорда механизмлар, транспорт воситалари, шунингдек ишчи кучлари блан та'минлаш мажбурияти юклатилсин. 1950 йилда маҳаллий саноат корхоналарида ва колхозларнинг ўзларида чорва моллари учун молхоналар қуриш планининг бажарилишини та'минлайдиган миқдорда ғишт, черепица ва бошқа бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришилсин; шу мақсад учун колхозларга ажратилган кредит ва материаллардан тўғри фойдаланилиш назорат қилиб турилсин.

СССР Ёғоч ва қоғоз саноати министрлиги молхоналар қуриш учун колхозларга сотиш мақсадида Центросоюзга иморатбоп ёғоч ва тахта етказиб бериш топшириқларини ўз вақтида бажаришни та'минласин. Центросоюз бинокорлик материалларини ўз вақтида жойларга етказиб берилишини та'мин этсин.

V. Совхозларда чорвачиликни ривожлантириш

17. СССР Совхозлар министрлиги, СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, Озиқ-овқат саноати ва Қишлоқ хўжалик министрликларига қарашли совхозлар СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг колхоз ҳамда совхозларда жамоат маҳсулдор чорвачилигини ривожлантириш учйиллик плани тўғрисидаги Қарорина бажариш учун курашиб, 1949 йилда чорва моллари туёғини янада кўпайтирдилар, унинг маҳсулдорлигини оширдилар, давлатга гўшт, сут, ёғ, жун ва тухум топширишни кўпайтирдилар.

1949 йилда совхозларда қорамоллар сони 14 процент, чўчқалар 50 процент, қўй ва эчкилар 12 процент, паррандалар 35 процент ортди. Совхозлар қорамол, чўчқа, қўй ва эчкилар сони жиҳатидан урушдан аввалги даражадан анчагина ўзиб кетдилар.

Чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ошганлиги ва ҳамма турдаги чорва молларининг сони ортганлиги натижасида 1949 йилда совхозлар давлатга 1948 йилдагига қараганда 63 процент кўп гўшт, шу жумладан чўчқа гўштини 74 процент кўп, сутни 35 процент, жунни 13,1 процент ва тухумни 58 процент кўп топширдилар.

1949 йилда Украина ССР, Белоруссия ССР, Латвия ССР, Литва ССР, Қрим, Орёл, Рязань ва Калинин областьларидаги совхозлар маҳсулдор чорва молларини айниқса кўпайтирдилар.

Шу блан бирга бирқанча область ва республикаларда, айниқса Смоленск, Запорожье областьларида, Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР ва Қозоғистон ССР совхозларида 1949 йилда чорва моллари жуда кам ортди.

Совхозларда чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар ўтказилди. Шу блан бирга Астрахань, Сталинград, Куйбишев, Курск, Ростов, Воронеж, Чкалов, Курган, Челябинск областьларида, Ставрополь ўлкасида ва Ўзбекистон ССРда 1949 йилда пичан тайёрлаш ва силос бостириш плани бажарилмади.

Совхозларда молхоналар қуриш ва қудуқ ҳамда ҳовузлар қазиш, шунингдек чорвачилик фермаларида оғир ишларни машиналаштириш ишлари қизитиб юборилди.

Аммо бирқанча область, ўлка ва республикаларда 1949 йилда совхозлар молхоналар қуриш юзасидан белгиланган топшириқ бажарилмади. Кўпгина область ижроия комитетлари, ўлка ижроия комитетлари ва республикаларнинг министрлар советлари молхоналар қуриш планларини бажаришда совхозларга маҳаллий материаллар ва ишчи кучлар блан етарли ёрдам бермаётирлар.

18. Совхозларда чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида, СССР Совхозлар министрлигига, СССР Гўшт ва сут саноати министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига ва совхозлари бўлган бошқа министрликларга, шунингдек область, ўлка ва республикалардаги партия ҳамда совет органларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилсин:

а) 1950 йилда ҳарбир совхознинг чорва молларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан совхоз чорвачилигини ривожлантириш учйиллик планида белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариши та'минлансин, шу блан бирга дон ва сабзавот совхозларида, техника экинлари совхозларида чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида э'тибор берилсин, чунки бу совхозларда чорва молларини кўпайтириш ва уларнинг маҳсулдорлигини ошириш юзасидан мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаётир;

б) 1950 йилда совхозларда чорва молларининг маҳсулдорлигини ошириш ва наслини яхшилаш тадбирлари кенг амалга оширилсин, чорва моллари яхши боқилсин, наслдор эркак моллардан яхши фойдаланилсин ва ёш молларни яхши боқиб ўстиришга эришилсин;

в) совхозларнинг ем-хашак базасини янада мустаҳкамлаш, чорва моллари учун яхши бинолар қуриш ва чорвачиликдаги оғир ишларни кенг миқ'ёсда машиналаштириш тадбирлари кўрилсин.

19. СССР Ёғоч ва қоғоз саноати министрлигига, СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига ва Металлургия саноати министрлигига молхоналар қуриш учун 1950 йилга ажратилган ёғоч ва бинокорлик материалларини, металл ва металлдан ишланган буюмларни ўз вақтида совхозларга етказиб бериш мажбурияти юклатилсин.

Республикаларнинг министрлар советларига, область ижроия комитетлари ва ўлка ижроия комитетларига молхоналар қурилишини ишчи кучлари, шунингдек маҳаллий бинокорлик материаллари блан та'минлашда совхозларга ёрдам бериш, молхоналар қуриш учун зарур дурадгорлик буюмларини ишлаб чиқариш юзасидан маҳаллий саноат корхоналарида совхозларнинг буюртмаларини қабул қилиб олиш чораларини кўриш мажбурияти юклатилсин.

VI. Чорвачиликда молларнинг наслини яхшилаш

20. Чорвачиликни ривожлантириш учйиллик планига мувофиқ, 1949 йилда колхоз ва совхозларда молларнинг маҳсулдорлик ва зотлилик хусусиятларини яхшилаш юзасидан жиддий тадбирлар амалга оширилганлиги та'кидлансин. Кам маҳсулдор урғочи молларни юқори сифатли эркак молларга ёппасига қочириш соҳасида ўтказилган ишлар ва молларнинг яхши боқилиб парвариш қилиниши натижасида 1949 йилнинг охирига келганда урчитилган зотли моллар ва уларнинг салмоғи қуйидагича кўпайди: колхозларда—қорамоллар 34 процент, чўчқалар 51 процент, қўйлар 53 процент ва совхозларда—қорамоллар 72 процент, чўчқалар 70 процент ва қўйлар 84 процент (шу хилдаги молларнинг умумий сонига нисбатан). Украина ССР, Воронеж, Вологда, Ярославль, Кострома областьлари ва бошқа бирқанча областьлардаги колхозларда зотли юқори маҳсулдор моллар сони анча кўпайди.

Сўнгги икки йил ичида колхоз ва совхозларда майин жунли, ярим майин жунли ва ярим дағал жунли қўйлар сони 52 процент ортди.

1949 йилда совхозлардан ва давлат зотли мол хўжаликларидан колхозларга 77 минг зотли йирик қорамол, 227 минг қўй ва 79 минг чўчқа сотилди. Бу рақам 1948 йилда колхозларга сотилган зотли моллар миқдоридан анча ортиқдир.

Юқори сифатли зотли эркак моллардан яхшироқ фойдаланиш мақсадида қишлоқ хўжалик ҳайвонлари сун'ий усулда қочириладиган пунктлар кўпайтирилди. 1949 йилда қорамол ва қўйлар сун'ий усулда қочириладиган 4.638 та янги пункт ташкил қилинди, 825 минг сигир, ғунажин ва 12,5 миллион совлиқ қўй сун'ий усулда қочирилди.

1949 йилда колхозларда зотли мол фермалари анча кўп ташкил қилинди, давлат зотли қорамол ва қўйчилик хўжаликлари 9 жойда ташкил этилди, 18 та зотли мол совхозлари тузилди.

Давлат зотли мол хўжаликлари хизмат кўрсатаётган колхозларда молларнинг маҳсулдорлиги ошди. Ярославль областидаги «Красний коллективист» колхозида 1949 йил мобайнида ҳарбир сигирдан 4.500 килограмм, Кострома областидаги «12-й Октябрь» колхозида 5.001 килограмм сут олинди. Архангельск областидаги «Красний Октябрь» колхозида ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 4.555 килограммдан, шу областьдаги «XVII партс'езд» колхозида 4.175 килограммдан сут олинди.

Архангельск область, Холмогор районидаги «Красний Октябрь» колхозининг сигир соғувчи а'зоси Коробова, шу районидаги Димитров номли колхознинг а'зоси Морозова, Сумск область, Лебединский районидаги «Червона зоря» колхозининг а'зоси Савченко ва бошқа бирқанча сигир соғувчилар 1949 йилда ўзларига бириктириб берилган ҳарбир сигирдан 6.000 килограммдан ортиғроқ сут соғдилар.

Зотли моллар совхозларидаги молларнинг маҳсулдорлиги ҳам ортди. Кострома областидаги «Караваево» деган зотли моллар совхозида 1949 йилда ҳарбир сигирдан ўрта ҳисобда 6.031 килограммдан, Омск областидаги Омск зотли моллар совхозида 5.002 килограммдан, Эстония ССРдаги «Удева» зотли моллар совхозида 5.775 килограммдан, Москва областидаги «Лесные поляны» зотли моллар совхозида 5.010 килограммдан, Ленинград областидаги зотли моллар «Торосово» совхозида 5.405 килограммдан, Ярославль областидаги «Красний Октябрь» зотли моллар совхозида 4.688 килограммдан, Белоруссия ССРдаги «10 лет БССР» зотли моллар совхозида 5.103 килограммдан, Қирғизистон ССРдаги «Аламедин» зотли моллар совхозида 4.734 килограммдан сут соғилди.

«Караваево» зотли моллар совхозида Кострома зотли «Гроза» сигири тўртинчи туққанидан кейин йилига 14.275 килограммдан сут берди, ҳар куни соғиб олинган сут 60 килограммгача етди, сутнинг мойлик даражаси 3,77 процентни ташкил этди. Шу совхоздаги «Куста» сигири биринчи туққанидан кейин 300 кун ичида 8.061 килограмм сут берди, сутнинг мойлик даражаси 3,41 процентни ташкил этди. «Греча» зотли сигир биринчи туққанидан кейин 7.280 килограмм сут берди, сутнинг мойлик даражаси 4,1 процентни ташкил этди.

Кўпгина зотли мол совхозларида ва колхоз зотли мол фермаларида ўтган йили қўйларнинг жуни анча ортди. Ставрополь ўлкасидаги «Советское руно» зотли моллар совхозида 23 мингта майин жунли қўйнинг ҳарбиридан ўрта ҳисобда 1948 йилдаги 5,6 килограмм ўрнига 6,3 килограммдан жун олинди. 411-нчи сонли қўчқордан 24 килограмм ва бир ёшдаги 81-нчи сонли қўчқордан 20,2 килограмм жун олинди.

1949 йилда зотли моллар совхозларидаги чўчқалар сони 28 процент кўпайди. Москва областидаги «Большое Алексеевское» зотли моллар совхозида 105 урғочи чўчқадан 2.206 бола олинди ёки ҳарбир урғочи чўчқа 21 тадан туғди, ҳарбир чўчқа боласининг ўртача вазни сутдан ажратилгунча 18,6 килограммдан бўлган. Каменец—Подольск областидаги Котовский номли совхозда ҳарбир урғочи чўчқа 21 тадан бола туққан.

Молларнинг зотини яхшилашда тузук натижаларга эришилиши блан бирга, колхоз ва совхозларда молларнинг зотини тезроқ яхшилаш учун мавжуд бўлган имкониятлардан ҳали етарли даражада фойдаланилмаётир. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, СССР Гўшт ва сут саноати министрлиги, кўпгина маҳаллий, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, совхоз ва колхозларнинг раҳбарлари қимматли зотли молларни тўла сақлаб қолиш ва улардан тўла фойдаланиш ҳамда уларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун зарур тадбирларни кўрмаётирлар.

Кўпгина область, ўлка ва республикаларда маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органларининг қишлоқ хўжалик молларини сун'ий қочириш ишига етарли баҳо бермаётганликлари натижасида 1949 йилда колхозларда қорамол ва урғочи қўйларни сун'ий қочириш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмай қолди.

Ем-хашак базаларининг қониқарли уюштирилмаганлиги, ўт-далали алмашлаб экишнинг секин жорий қилинаётганлиги, шунингдек чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб этадиган асосий ишларни машиналаштиришнинг паст даражада бўлиши зотли мол совхозлари ва колхозлардаги зотли мол фермаларининг ишларидаги катта камчиликдир.

21. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ва совхозлари бўлган бошқа министрликлар ҳамда идораларга, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига қуйидаги ишларни бажариш мажбурияти юклансин:

а) чорвачиликнинг ривожлантирилишига энг мувофиқ бўлган кам маҳсулдор молларни яхшилаш учун тавсия этилган энг маҳсулдор зотли молларни урчитишда колхоз ва совхозларга ёрдам кучайтирилсин;

б) колхоз фермаларида ва совхозларда зотли эркак молларнинг урчитилиши назорат қилиб турилсин ҳамда 1950 йилда юқори маҳсулдор молларни етиштириш юзасидан берилган топшириқларнинг сўзсиз бажарилиши та'минлансин;

в) колхозларда молларнинг зотини яхшилаш ишига раҳбарликни кучайтириш мақсадида республика қишлоқ хўжалик министрликларидаги, область ва ўлка қишлоқ хўжалик бошқармаларидаги чорвачилик бошқармалари зотли моллар етиштириш ишлари блан шуғулланувчи мутахассислар блан мустаҳкамлансин ва район қишлоқ хўжалик бўлимларида молларнинг зотини яхшилаш блан шуғулланувчи зоотехниклар штати тегишли ходимлар блан тўлдирилсин.

VII. Чорвачиликда зоотехника ва ветеринария хизмати

22. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари 1949 йилда колхоз ва совхозларнинг чорвачилигига зоотехника ва ветеринария хизматини яхшилашга муваффақ бўлдилар, деб қайд қилинсин. 1949 йилда колхозларнинг жамоат чорвачилигига хизмат кўрсатиш учун 645 та янги зооветеринария участкалари ва зооветеринария пунктлари очилди. Зооветеринария шохобчаларини дори-дармон, асбоб, дезинфекция воситалари ва биологик препаратлар блан та'минлаш яхшиланди. Зооветеринария хизматини яхшилаш соҳасида кўрилган тадбирлар натижасида колхоз ва совхозларда молларнинг касаллиги камайди, колхоз ва совхоз чорвачилигининг маҳсулдорлиги ортди.

Аммо кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик моллари ва паррандаларни боқиш, сақлаш, парвариш қилиш ва етиштириш соҳасидаги зоотехника ва ветеринария қоидаларига риоя қилинмаётир. Бу ҳол молларнинг нобуд бўлиши ва маҳсулдорлигининг камайишига сабаб бўлади. Бирқанча районлардаги зооветеринария шохобчаларида кадрлар етишмайди, мутахассислар уй-жой ва транспорт воситалари блан етарли даражада та'минланмаган. Шу блан бирга зооветеринария участкалари ва пунктларини қуриш ҳамда ускуналаш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлардан тўла фойдаланилмаётир.

23. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, область, ўлка ва республикалардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига қуйидаги ишларни бажариш мажбурияти юклансин:

а) чорва молларига зоотехника ва ветеринария хизматини анча яхшилаш учун тегишли тадбирлар кўрилсин, ҳарбир колхоз ва ҳарбир совхозда қишлоқ хўжалик молларини сақлаш, боқиш, парвариш қилиш ҳамда урчитиш юзасидан зоотехника ва ветеринария қоидаларининг бажарилиши та'минлансин, шунингдек моллар касалининг олдини олиш учун зарур тадбирлар амалга оширилсин;

б) зооветеринария участкалари ва зооветеринария пунктлари зоотехник ва ветеринар кадрлар блан та'минлансин, шунингдек бу участка ва пунктлар ишлаб чиқариш бинолари, уй-жой ва тегишли асбоб-ускуналар блан та'минлансин.

VIII. Чорвачилик кадрлари тайёрлаш

24. 1949 йилда чорвачилик кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасидаги ишлар анча яхшиланди, деб қайд қилинсин.

Зоотехника ва ветеринария шохобчаларини кадрлар блан та'минлаш учун ўтган йили олий ва ўрта ўқув юртларини тамомлаб чиққан 14 мингдан ортиқ чорвачилик мутахассислари жойларга юборилди. 5.148 зоотехник, 1.339 ветеринария ходими курсларда қайтадан тайёрланди, қишлоқ хўжалик мактабларида колхоз чорвадорлари ва млашший ветеринар фельдшерлардан 20 минг киши тайёрланди.

Зоотехника, ветеринария, қишлоқ хўжалик институтлари ва илмий-текшириш институтлари ҳузурида чорвачилик мутахассисларининг билимини ошириш учун 3.700 кишилик уч ойлик доимий курслар очилди.

Район қишлоқ хўжалик бўлимлари, зооветеринария участкалари, ветеринария шифохоналарида ва колхозларда ферма мудирлари, бригадирлар, ветеринария санитарлари, соғувчилар, бузоқ, чўчқа боқувчилар, чўпонлар, подачилар ва паррандачиларнинг малакаларини ошириш курслари ташкил қилинди. 1949 йилда курсларда 700 мингга яқин колхозчи қайтадан тайёрланди, колхозлардаги чорвачилик фермаларида кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни машиналаштирувчи 1.200 колхоз инструкторлари тайёрланди ва ҳозирги вақтда 83,6 минг ферма мудири ва чорвачилик соҳасидаги оммавий касбларда ишлаётган бошқа ходимлардан 1 миллион 602 минг киши ўқимоқда.

Шу блан бирга чорвачилик кадрларини тайёрлашда жиддий камчиликлар ҳам бор. Брянск, Кострома, Томск, Челябинск, Курган областьларида ва Тожикистон ССРда чорвадорларнинг бир йиллик мактаблари ташкил этилмади; Архангельск, Астрахань, Вологда, Иркутск, Киров ва Куйбишев областьларида ҳамда Бурят-Мўғулистон АССРда чорвадорлар ва млашший ветеринария фельдшерлари мактабларига ўқувчилар қабул қилиш планлари бажарилмаётир.

25. Чорвачилик кадрларини тайёрлаш ва қайтадан тайёрлаш ишларини яхши йўлга қўйиш мақсадида:

а) СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига ва СССР Олий та'лим министрлигига, область, ўлка ва республикалардаги партия ва совет органларига чорвачилик кадрларини тайёрлашдаги мавжуд нуқсонларни йўқотиш мажбурияти юклансин;

б) СССР Министрлар Совети ҳузуридаги полиграфия саноати, нашриётлар ва китоб савдоси ишлари Бошбошқармасига зооветеринария олий ўқув юртлари ва техникумлар учун керакли дарсликларни ва чорвачилик соҳасидаги оммавий касб кадрлари учун оммабоп китобларни зарур миқдорда нашр этишни та'минлаш мажбурияти юклансин;

в) СССР Министрлар Совети ҳузуридаги радиоахборот комитетига, СССР кинематография министрлигига, сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутун Иттифоқ жамиятига, иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари ҳузуридаги маданий-оқартув муассасалари ишлари Бомитетларига Мичурин агробиология фанининг муваффақиятларини ва чорвачилик илғорларининг тажрибаларини зўр бериб пропаганда қилиш ва бунинг учун радиоэшиттиришлар уюштириш, фильмлар кўрсатиш, шунингдек колхоз ва совхозларда оммабоп илмий лекциялар ташкил қилиш мажбурияти юклансин.

IX. Чорвачилик соҳасида илмий-текшириш ишлари

26. Чорвачилик соҳасида иш кўрувчи илмий-текшириш муассасалари 1949 йилда молларни урчитиш, уларнинг сифатини яхшилаш ва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан колхоз ва совхозларга катта ёрдам бердилар, деб қайд қилинсин.

Илмий-текшириш муассасалари чорвачилик илғорлари блан биргаликда зотли қорамоллар, чўчқа ва қўйларнинг наслини янада яхшилаш ва энг маҳсулдор янги зотларини етиштириш соҳасидаги ишларни уюштирдилар.

Илмий-текшириш институтлари ва тажриба станциялари ем-хашак тайёрлаш соҳасида табиий пичанзорларни яхшилаш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, хашакни силослаш ҳамда ем-хашак экинларини алмашлаб экиш тадбирларини муваффақиятли суратда ишлаб чиқмоқдалар.

Илмий-текшириш институтлари ва ветеринария тажриба станциялари касалликларни қўзғотувчи микроб ва вирусларни ўрганиш соҳасида анча яхши натижаларга эришдилар. қишлоқ хўжалик молларидаги юқумли касалликларга қарши курашнинг янги тадбирларини топдилар.

Шу блан бирга илмий-текшириш институтлари ва тажриба станциялари чорвачиликни янада ривожлантириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш соҳасидаги энг зарур вазифалардан келиб чиқадиган талаблардан ҳали ҳам кейинда қолмоқдалар.

27. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, В. И. Ленин номли Бутун Иттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясига, область, ўлка ва республикалардаги партия ҳамда совет органларига илмий-текшириш ишларидаги мавжуд камчиликларни йўқотиш ва молларни тез урчитиш, молларнинг зотдорлиги ва маҳсулдорлигини янада ошириш, қишлоқ хўжалик молларини боқиш, ем-хашак тайёрлаш, қишлоқ хўжалик молларидаги касалликларга қарши курашнинг янги усулларини қидириб топиш ва чорвачилик фермаларида ҳамда ем-хашак тайёрлашда кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни машиналаштириш учун мукаммалроқ машина конструкцияларини тайёрлаш соҳасида партия ва ҳукумат томонидан қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтлари, тажриба станциялари ва ўқув юртлари олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун зарур тадбирлар кўриш мажбурияти юклансин.

28. Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига чорвачилик ва ем-хашак тайёрлашда кўп меҳнат талаб этадиган оғир ишларни механизациялаш учун унумли ишлайдиган машиналарни ясаш мақсадида илмий-текшириш ва конструкторлик ишларини кучайтириш мажбурияти юклансин.

29. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги полиграфия саноати, нашриётлар ва китоб савдоси ишлари Бошбошқармасига чорвачилик, ветеринария ва ем-хашак тайёрлашга доир китоблар ва илмий асарлар нашр этишни кучайтириш мажбурияти юклансин.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ

Меҳнаткашларнинг аризаларига ўз вақтида жавоб берилсин

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Советининг VIII сессияси бўлиб ўтди.

Сессия шаҳар ижроия комитетида меҳнаткашларнинг шикоят ва аризаларини ҳисобга олиш ҳамда кўришнинг аҳволи ҳақида масала муҳокама қилди. Бу масала юзасидан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хусаинов доклад қилди.

Большевиклар партияси, совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Сталин меҳнаткашларнинг маданий-маиший аҳволини тобора яхшилаш ҳақида доим ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Ўртоқ Сталиннинг ташаббуси билан СССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳрини обод этиш ҳақида чиқарган қарори бунинг яққол мисолидир.

Бу қарорни бажариш соҳасида бирмунча ишлар қилинди. Навоий кўчасини обод этиш тамомланмоқда. Беш'ёғочда кўп қаватли уйлар қуриш бошланди. Аммо, маҳаллий советларнинг ишида катта камчиликлар бор.

Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлиги Тошкент шаҳар ижроия комитетида ва унинг бўлимларида меҳнаткашлар томонидан берилган ариза ва шикоятларни ҳисобга олиш ва кўриш аҳволини текшириб кўрганида, тўрачилик ва сансалорлик фактлари борлиги аниқланди.

Ўзбекистон ССР Давлат контроли министрлигининг текшириш материаллари 1950 йил январь ойида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлисида муҳокама қилинди. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Хусаиновга, меҳнаткашлар томонидан берилган аризаларнинг кўрилишини етарли назорат қилиб турмаганлигини кўрсатиб ўтди.

1949 йилда меҳнаткашлар томонидан Тошкент шаҳар ижроия комитетига берилган 2.800 шикоят ва аризадан 200 таси мутлақо ҳал этилмай қолган. 1.271 шикоят ва ариза белгиланган муддатдан 20 кундан 3 ойгача ва ундан ҳам кўпроқ кечикиб ҳал этилган.

Шаҳар уй-жой бошқармасига (бошлиғи ўртоқ Карпов) тушган 224 шикоятдан 41 таси бутунлай ҳал этилмай қолган. Шикоятларнинг талай қисми кечикиб кўрилган.

Уй-жойлар ёмон ремонт қилинганлиги, айрим уй бошқармаларининг суиисте'моллари, бинокорлик материалларининг талон-торож қилинганлиги ҳақида меҳнаткашлар томонидан берилган ўнларча ариза Шаҳар уй-жой бошқармаси ходимлари қўлида ойларча кўрилмай ётган.

Сессияда Шаҳар ижроия комитети архитектура бўлимининг ишидаги жиддий камчиликлар очиб ташланди. Бўлим бошлиғи ўртоқ Бўлатов уй қуриш учун участка ажратиб бериш ҳақидаги аризаларни кўпинча тўраларча, юзаки кўрган.

Соғлиқни сақлаш бўлимида ҳам (мудири ўртоқ Отабеков) аҳвол кўнгилдагидек эмас. Бу бўлимда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўришга сўнгги вақтгача жиддий э'тибор берилмай келинган. Ба'зан шикоят ва аризалар йўқотиб юборилган. Масалан, 2-нчи поликлиника бош врачининг қўпол муомаласи тўғрисида берилган шикоят йўқотилган. «Красная майка» болалар санаториясининг раҳбарлари болалар овқатини яхши уюштирмаганликлари ҳақида берилган ариза ҳам йўқолган. Санатория ходимлари ариза ёзган кишиларга «бошлиқларни» танқид қилиш мумкин эмас, деган ма'нода жавоб қайтарганлар.

Район ижроия комитетлари ва шаҳар Совети ижроия комитетига қарашли корхоналарда, масалан, Госбантрест, Водоканал, шаҳар кино бошқармаси, Энергосбит ва бошқа муассасаларда меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ҳисобга олиш, кўриш ишида жиддий камчиликлар борлиги аниқланди.

Доклад юзасидан қизғин музокаралар бўлди.

Депутат ўртоқ Зоиров шаҳар ижроия комитетига 1949 йилда тушган 200 дан ортиқ шикоят кўрилмай қолганлигини сўзлаб берди. Бир талай шикоят ва ариза жуда кечикиб кўрилган. Масалан, Лебедев ва Залорина ўртоқларнинг шикояти 6 ой кўрилмай ётган. Борисовнинг шикояти Шаҳар уй-жой бошқармасида 1949 йил 5 мартдан 5 августгача кўрилмаган.

Депутат Зоиров ўз сўзида Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимини меҳнаткашларнинг эҳтиёж ва талабларига бепарво қараганлиги, тўрачилик ва сансалорликка йўл қўйганлиги учун қаттиқ танқид қилди.

Депутат Кичанов ўз сўзида Шаҳар ижроия комитети ва район ижроия комитетларининг ишини танқид қилди.

Ўртоқ Кичанов Шаҳар уй-жой бошқармаси, Шаҳар ижтимоий-та'минот бўлими, Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, Шаҳар молия бўлими ва Шаҳар лойиҳалаш бўлими қониқарсиз ишлаётганлигини уқдириб ўтди.

Музокарада сўзга чиққан Киров район ижроия комитетининг раиси ўртоқ М. Абдураҳмонова район ижроия комитети ва бўлимларининг ишида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини кўришда тўрачилик, ба'зан юзаки қараш ҳоллари борлигини айтди.

Сўнгра ўртоқ Абдураҳмонова Шаҳар ижроия комитетининг иш услубига тўхталди. Шаҳар ижроия комитети тушган аризаларни кўрганда, мавжуд имкониятларни э'тиборга олмай, «ремонт қилинсин», «уй берилсин» деган буйруқ билан район ижроия комитетларига юбормоқда. Шаҳар ижроия комитети бу хил иш услубидан воз кечиши керак.

Музокараларда депутатлардан Жамолов, Бўлатов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар. Сессия муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Сўнгра ташкилий масалалар муҳокама қилинди.

Ўртоқ Асцатуров бошқа ишга ўтганлиги сабабли, сессия уни Шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди. Ижроия комитети раисининг ўринбосари қилиб бир овоздан ўртоқ П. Л. Харитонов сайланди.

Сессия ўртоқ М. А. Ковалевни ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилди, раис ўринбосари қилиб ўртоқ Д. З. Ил'ёсовни бир овоздан сайлади.

Сессия Шаҳар совети ҳузуридаги ба'зи доимий комиссияларнинг составини ҳам тўлғазди.

Қишлоқ совети чигит экишни тез ва юқори сифатли қилиб ўтказиш учун курашмоқда

Самарқанд область, Комсомол район Сочакболо қишлоқ совети ўтган йили пахта ҳосилини оширишда катта муваффақиятга эришди. Депутатлар бошлиқ бўлган бригадалар пахта тайёрлаш планини анча ошириб бажардилар. Қишлоқ советидаги барча колхозлар ҳар гектар ердан ўрта ҳисоб билан 23 центнердан ҳосил олдилар.

Бу йил қишлоқ совети ва унинг депутатлари пахта ҳосилини ошириш учун мустаҳкам замин яратиш мақсадида январь ойидаёқ тайёргарлик ишларини бошладилар. Қишлоқ совети ижроия комитетининг йиғилиши кўклам экин кампаниясига тайёргарлик масаласини уч марта муҳокама қилди. Яқинда бўлиб ўтган сессияда Ўзбекистон пахтачилик илғорлари VI қурултойи қарорларининг қандай бажарилаётгани ҳақида колхоз раисларининг ахборотлари тингланди. Қишлоқ советининг сессияси далага маҳаллий ўғит чиқариш, қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, колхозчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш юзасидан бирқанча тадбирлар белгилади. Қишлоқ советининг депутати ўртоқ Холмон Хатамов ўзи раислик қилаётган «Қизил аскар» колхозида сессия қарорларини пухталик билан амалга оширди. У, колхозда чигит экишга тайёргарликни кучайтириш учун активлар билан биргаликда тегишли тадбирларни белгилади. Чигит экиладиган ҳамма участкаларга январь, февраль ойларида маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Қишлоқ хўжалик машиналари ремонт қилинди. Колхоз устахонасида янги кетмонлар ясалди.

Қишлоқ советининг депутати Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Ўрунов раислик қилаётган Ленин номли колхозда ҳам чигит экишга пухта тайёргарлик кўрилди. Колхоз а'золари бу йил ўтган йилдагига қараганда ҳар гектар ердан олинадиган ҳосилни 3—4 центнерга кўпайтириш мажбуриятини олганлар. Депутат ўртоқ Ҳамидова бошлиқ звенонинг а'золари 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Ҳозир Ленин номли колхознинг ҳамма бригадаларида ер ҳайдаш қизғин давом этмоқда. Айрим звенолар чигит экишга киришдилар.

Қишлоқ советининг раиси ўртоқ Саттор Ёқубов совет активлари билан биргаликда, ер ҳайдашнинг сифатини текширмоқда. Бу ишда МТС агрономлари қишлоқ советига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Март ойининг сўнгги беш кунида ҳамма колхозларда чигит экишга тайёргарликнинг бориши текшириб чиқилди. Қишлоқ совети рўй берган камчиликларни битиришда колхоз правлениеларига яқиндан ёрдам берди.

Сочакболо қишлоқ советининг ижроия комитети чигит экишни тез ва юқори сифатли қилиб ўтказиш, ҳамма участкаларда чигитни текис ундириб олиш ва уни намунали парвариш қилиш учун курашга кенг колхозчилар оммасини сафарбар этаётир.

Б. ИМОМОВ.

Чигит экишни оммавий равишда кучайтириш учун барча куч ва воситаларни сафарбар қилайлик!

Тошкент область Мирзачўл районидаги «Гулистон» колхозида чигит экиш қизғин давом этмоқда. Суратда: универсалчи стахановчи ўртоқ Сайфулла Жўлбеков чигит экмоқда.

В. Сироткин фотоси.

Мусобақадош колхозларда

Тошкент область, Сирдар'ё район, Чолтўқай қишлоқ советидаги «XVII партс'езд» биринчи колхоз билан шу қишлоқ советидаги «Қизил партизан» колхози бу йил ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун ўзаро социалистик мусобақа шартномаси туздилар. Бу колхозлар чигит экишга пухта тайёргарлик билан киришдилар.

«XVII партс'езд» биринчи колхозининг 110 гектар пахта майдони кузда трактор билан чуқур ҳайдаб қўйилган эди. Ҳозир колхоз бу ерларга чигит экабошлади. Ўртоқ Турсун Аҳмедов бошлиқ юзцентнерчи комсомол-ёшлар звеноси билан Хўжамқул Эгамбердиев бошлиқ звено чигит экишни тамомладилар. Колхознинг бошқа бригада, звеноларида ҳам чигит экиш қизғин бораётир.

«Қизил партизан» колхозида ҳозиргача 30 гектар ерга чигит экилди. Бу колхоз а'золари экишни март ойи ичида тамомлаш учун курашмоқдалар.

Қ. ТУРСУНОВ.

ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛИ ТРАКТОР БРИГАДАСИ

Фарғона область, Олтиариқ районидаги МТСнинг Будённий номли колхозда хизмат қилаётган ўртоқ Бойматов бошлиқ бригадасининг тракторчилари социалистик мусобақага қўшилиб, пахта ерларини ҳайдашда яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Трактор бригадаси ҳозиргача 190 гектар ерни юқори сифатли ҳайдаб, районда биринчи ўринда бораётир. Бригада ҳар куни 25 гектар ўрнига, 33—35 гектар ер ҳайдамоқда.

Моҳир тракторчи Бозор Топиболдиев, Турсун Жумаев ўртоқлар НАТИ тракторе билан кунига 10—11 гектар ер ҳайдаётирлар. Шунингдек, СТЗ тракторларида ишлаётган Усмонов, Мамажонов ўртоқлар ҳам топшириқни 1,5 баравар бажараётирлар.

МТС ма'мурияти бригаданинг ишини тақдирлаб, унга кўчма қизил байроқ берди ва тракторчиларни мукофотлади.

Каримжон ҚАҲҲОРОВ.

Жиддий камчиликларга яна йўл қўйилмоқда

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Бухоро область мухбиридан)

Бухоро областида 20 мартдан бошлаб чигит экишга киришиш, экишни 10 апрельда тугаллаш керак. Бунинг учун областьда ҳамма имконият бор. Иттифоқ ҳукумати Бухоро областига ғоят катта моддий ва техника ёрдами берди, областьдаги барча машина-трактор станциялари бу йил яна янги тракторлар олдилар. Агар бу машиналардан тўла ва тўғри фойдаланилса, областьда чигит экиш белгиланган муддатдан илгари тугалланиши мумкин.

Лекин областьда чигит экишга тайёргарлик ишлари ниҳоятда судралаётир, чигит экиладиган ерларнинг 45 проценти шу вақтгача ювилмаган. 20 февральда тамом қилиниши зарур бўлган ирригация ва мелиорация ишлари ҳали ҳам тугалланган йўқ. Коллекторларни тартибга солиш, суғориш шохобчаларини тозалаш юзасидан белгиланган план 16 мартга қадар атиги 72 процент бажарилди.

— Бу йил ҳам ариқ-зовур қазишда кечикдик. Ернинг шўрини ювомадик... Бу, албатта, бизнинг қўпол хатомиз, — дейди Рометон район партия комитетининг секретари ўртоқ Э. Раҳимбердиев.

Олот, Қоракўл, Свердлов, Бухоро, Вобкент ва Кармана районларида ҳам ариқ-зовурлар ҳанузгача қазиб бўлингани йўқ. Ҳолбуки, бу районларнинг раҳбар ходимлари ирригация ва мелиорация ишлари планини 20 февральгача бажаришга ва'да берган эдилар. Область партия комитети ҳам, область ижроия комитети ҳам ирригация ва мелиорация ишларининг ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида кўп қарорлар қабул қилиш билан чекланиб қўяқолдилар.

Хўш, областьдаги МТС ларда аҳвол қандай?

— Биз, трактор ишларининг планини ва графикларини тузиб, МТС ларга жўнатдик. Тракторлар ҳозирданоқ ер ҳайдашга киришдилар, — дейди область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Носиров.

Ер ҳайдаш, чигит экишни энг яхши агротехника муддатларида бажариш ва пахтадан мўл ҳосил етиштириш ҳарбир тракторнинг унумли ишлашига ҳам боғлиқдир. Лекин областьда ҳарбир трактордан унумли фойдаланиш учун қат'ий кураш олиб борилаётгани йўқ.

МТС паркларидаги мавжуд тракторларнинг 70 процентигина далага чиқарилган. Графикка асосан, бир бешкунликда 40 минг гектар ер ҳайдалиши керак эди. Кейинги ўн кунда эса, атиги 3.831 гектар ер ҳайдалган. Ишлаётган тракторларнинг кунлик иш унуми 1,2 гектардан ошмаётир. Ҳамма шароит мавжудлигига қарамасдан, бирор МТС да ҳам трактор бригадалари икки сменада ишлашга ўтгани йўқ.

Олот, Қизилтепа районларидаги МТСларда трактор ремонти ҳозиргача тамом бўлган эмас. Область бўйича анча «Универсал» ҳалига қадар ремонтдан чиқарилмаган. Ваҳоланки, «трактор ремонти 105 процент бажарилди» деб, бундан 15 кун илгари рапорт берилган эди. Биргина Қизилтепа МТСида 4 та ҳайдов ва 8 та «Универсал» трактори, Олот МТСида 6 та «НАТИ» ва 10 та «Универсал» устахонада ётипти. Қизилтепа район партия комитетининг секретари ўртоқ Метинбоевнинг айтишича, ҳар иккала МТСда ҳам тракторчи етишмайди.

Тракторчиларга маданий-маиший шароит яратиб берилмаган. Рометон районининг Шўрчи, Боғитуркон қишлоқ советларида ишлаётган тракторчилар тракторни тўхтатиб қўйиб, уйларига бориб овқатланишга мажбур бўлмоқдалар. Кўпчилик бригадалар ва тракторчилар ўртасида социалистик мусобақа уюштирилган эмас. Район партия комитетлари ҳам, область партия комитети ҳам тракторчилар ўртасида социалистик мусобақани йўлга қўйиш ишига етарли аҳамият бермаётирлар.

Чигит экишни оммавий равишда бошлаш пайти келганига қарамай, областьда дала ишлари кучайтириб юборилмаган. Юзлаб трактор бекор ётганидек, колхозлардаги от-уловлар ҳам ишга солинмаган. Шофиркон районида 1.250 жуфт қўш ва мавжуд тракторлар билан 10 кунда фақат 700 гектар ер ҳайдалган, холос.

Бухоро областида кўклам экишига тайёргарликнинг орқада қолаётганлигига асосий сабаблардан бири шуки, ба'зи район партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, кўкламга тайёргарлик ишларида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш учун ўз вақтида амалий чоралар кўрмаётирлар. Бу жиддий камчилик тезда тугатилиб, кўклам экишига ҳартарафлама пухта тайёргарлик билан киришилмаса, бу йил ҳам чигит экиш кейинга судралиши, турган гап.

С. КАРИМОВ.

Мўл ҳосил етиштирамиз

САМАРҚАНД. (ЎзТАГ). Областьнинг колхозчилари СССР Министрлар Совети ва ВКП(б) Марказий Комитетининг кўклам экишига тайёргарлик кўриш ҳақидаги қарорини қизғин муҳокама қилмоқдалар.

Самарқанд районидаги Пушкин номли колхоз а'золарининг йиғилишида бригада бошлиғи ўртоқ Содиқ Ҳасанов сўзга чиқиб, бундай деди:

— Партия ва ҳукумат қарори бизнинг олдимизга кўклам экишини намунали ўтказиш вазифасини қўйди. Бригадамиз ўтган йили давлатга гектаридан 29 центнердан пахта топширди. Биз бу йил гектаридан 45 центнердан пахта етиштиришга ва'да берамиз.

Колхоз а'золарининг умумий йиғилиши бу йил гектаридан ўрта ҳисоб билан 45 центнердан пахта, 270 центнердан картошка, 4 центнердан беда уруғи етиштиришга қарор қилди.

Колхозчилар ва тракторчилар юксак агротехника қоидаларига амал қилиб, чигит экишга киришдилар. Чигит экиш 10 апрельгача тамомланади.

Партия конференцияларининг қарорларини большевикча амалга оширайлик

А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети партия, касаба союз ва комсомол органлари бўлимининг мудири.

Яқинда Ўзбекистонда район ва шаҳар партия конференциялари бўлиб ўтди. Бу конференциялар олдидан бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишлари ўтказилди. Ҳисобот-сайлов кампанияси ва конференциялар ғоявий-сиёсий жиҳатдан юксак савияда, большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш белгиси остида коммунистларнинг актив иштироки билан ўтди. Ўзбекистон большевиклари партия йиғилишлари ва конференцияларда ВКП(б) Марказий Комитети теварагига, ўртоқ Сталин теварагига маҳкам жипслашганликларини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатдилар.

Партия йиғилишлари ва конференцияларида район комитетларининг раҳбарлиги, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларнинг аҳволи ҳартарафлама пухта текширилди, район ва шаҳар партия комитетларининг ишларидаги камчиликлар аниқланди. Район ва шаҳар партия конференциялари партия ва хўжалик ишларининг асосий масалаларига катта э'тибор қилдилар, асосий халқ хўжалик вазифасини амалга ошириш 1950 йилда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз чиқарган қарорни бажариш тадбирларини белгиладилар.

Партия йиғилишлари ва конференцияларда коммунистлар актив қатнашдилар. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида 21 мингга яқин коммунист иштирок қилди. Бошланғич партия ташкилотлари бюролари ва секретарьларининг ҳисобот доклади юзасидан музокараларда коммунистларнинг 39 проценти, район ва шаҳар партия комитетларининг ҳисобот докладлари юзасидан музокараларда вакилларнинг 18 проценти қатнашди.

Коммунистлар партия органларининг ишларига баҳо бериш масалаларига жиддий қарадилар. 1592 бошланғич партия ташкилотида партия бюролари ва секретарьларнинг ишлари қониқарсиз деб топилди. 22 район партия комитетининг иши ҳам қониқарсиз деб топилди. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон К(б)П Пискент ва Шовот район комитетларининг ишлари учинчи марта, Бойсун, Бухоро, Учқўрғон, Гурлан, Тахтакўпир, Урганч, Хонқа, Манғит ва Қораўзак район комитетларининг ишлари иккинчи марта қониқарсиз деб топилди.

Сайловлардан кейин партия органларининг составида катта ўзгаришлар бўлди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарьлари, район ва шаҳар партия комитетлари а'золари ва бюро а'золари ҳамда район ва шаҳар партия комитетлари секретарьларининг состави анча янгиланди.

Ишга большевикча раҳбарлик қилаолмаган кўпгина район ва шаҳар партия комитетларининг секретарьлари ўрнига партия ташкилотининг ишончига сазовор бўлган янги ходимлар сайланди. Янги составга ўтмай қолган ходимлар ўртасида Ўртачирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Пўлатов, Тахтакўпир район партия комитетининг секретари ўртоқ Дарибоев, Поп район партия комитетининг секретари ўртоқ Юсупов ва бошқалар бор.

Сайловлар натижасида партия органлари ва улардаги раҳбарларнинг состави анча яхшиланди. Бошланғич партия ташкилотлари секретарьларининг 33,6 процентини, район ва шаҳар партия комитетлари а'золарининг 52,6 процентини, бюро а'золарининг 75 процентини, район ва шаҳар партия комитетлари секретарьларининг 87,7 процентини олий ва ўрта ма'лумотли кишилар ташкил этади.

Хотин-қизларнинг партия раҳбарлик ишларига дадил кўтарилганлиги ҳам сайловларнинг яхши натижа берганлигини кўрсатади.

☆

Шаҳар ва район партия конференцияларида саноат корхоналарининг, хусусан қишлоқ хўжалиги учун керакли машиналар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишларига катта э'тибор қилинди. Саноатдаги партия ташкилотлари ишлаб чиқариш технологиясини мукаммаллаштириш, меҳнат унумини ҳартарафлама ошириш, таннархини камайтириш, хомаш'ё, ёқилғи, электр қувватини тежаб сарфлаш, машина-ускуналардан яхши фойдаланиш, оборот маблағларининг айланишини тезлатиш тадбирларини кўрдилар.

Бу соҳада кўп ишлар қилинди. Янги қишлоқ хўжалик машиналари чиқарила бошланди, маҳсулотнинг сифати анча яхшиланди. Республика саноати 1949 йил планини 101 процент бажарди. Аммо партия конференцияларида кўпгина йирик корхоналар ва ҳатто саноатнинг бирқанча тармоқлари планларини бажармай, бракка йўл қўяётганликлари та'кидланди. Масалан, 1949 йилда оғир саноатга қарашли 6 трест ва корхона ишлабчиқариш планини бажармадилар. Чирчиқ электрохимия комбинати, Хильководаги асбатруб заводи, бинокорлик материаллари министрлиги корхоналари 1950 йилнинг январь ва февраль ойларида қониқарсиз ишладилар.

Тошкент шаҳар партия комитети ва район партия комитетлари қишлоқ хўжалик машиналари, экскаваторлар ва шу сингари асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар ишига э'тиборни сусайтирдилар. Январь ва февраль ойларида «Ташсельмаш», «Ўзбексельмаш» ва экскаватор заводлари ёмон ишлади. Ма'лумки, бундай нуқсонларга э'тибор қилмай бўлмайди. Бу нуқсонлар бошланғич партия ташкилотлари социалистик мусобақага суст раҳбарлик қилаётганликларини, ма'муриятнинг ишларини пухта назорат қилмаётганликларини кўрсатади.

Республика саноатида ишлаётган коммунистлар партия йиғилишлари ва конференцияларда аниқланган нуқсонларни йўқотиш учун қат'ий кураш олиб боришлари керак. Социалистик мусобақани кучайтириб, 1950 йил планининг тўла ва ошириб бажарилишини та'минлаш, илғор меҳнат усулларини кенг жорий қилиш, маҳсулотнинг сифатини яхшилаш лозим.

☆

Қишлоқ районларининг коммунистлари ўз йиғилишлари ва конференцияларида маҳаллий ташкилотларнинг ўтган йил пахтачилик соҳасидаги ишларига раҳбарликда йўл қўйган камчилик ва нуқсонларини қаттиқ танқид қилдилар, пахта тайёрлаш планининг сўзсиз бажарилишини та'минлайдиган амалий таклифларни киргиздилар.

Иттифоқ ҳукуматининг 1950 йилда Ўзбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорини бажаришга жуда катта э'тибор қилинди.

Вакиллар ўтган йилги ишларнинг якунларини таҳлил этиб, кўпгина партия органларининг қишлоқ хўжалигига яхши раҳбарлик қилмаганлиги, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, МТС ва совхозларнинг пахтачиликни янада ривожлантириш учун зўр уюшқоқлик билан иш олиб бормаганликлари пахта тайёрлаш планининг бажарилмай қолганлигига асосий сабаб эканлигини уқдириб ўтдилар. Кўпгина партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш ўрнига, кўпинча, ма'мурий усуллар қўлланиш, совет ва қишлоқ хўжалик органларига тегишли ишларни бажариш билан шуғулландилар. Ҳозирги пайтда ҳам кўпгина район партия комитетларининг ишларида ўтган йилларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар такрорланаётганлиги кўрсатилди.

Андижон область, Хўжаобод район партия конференциясининг вакиллари район партия комитети, район ижроия комитети ва бошқа ташкилотларнинг ишини ўз зиммасига олганлиги — кейинги уч йил мобайнида районнинг пахта тайёрлаш планини бажармай келаётганлигига асосий сабаб эканлигини та'кидладилар. Район партия комитети колхозларнинг экономикасини жиддий ўрганмади, колхозларга фақат райком вакиллари орқалигина раҳбарлик қилди, бошланғич партия ташкилотларига таяниб иш кўрмади. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

Кадрлар танлаш ва уларни тарбиялаш соҳасидаги камчиликлар ҳақида конференцияларда кўп гапирилди. Район партия комитетларининг бу муҳим ишга мас'улиятсизлик билан қараганлигини кўрсатадиган кўп фактлар келтирилди. Масалан, Фарғона область, Киров район конференциясида кўп вакиллар район партия комитети колхоз ишларини барбод этган раисларни ўз ҳимоясига олганлигини, колхозчиларнинг фикри билан ҳисоблашмай, бундай кишиларни бошқа колхозларга кўчирганлигини танқид қилдилар.

Қишлоқ хўжалик артели Уставининг бузилиши, колхоз маблағларининг растрат қилиниши ва жамоат ерларининг талон-торож этилишига доир кўп фактлар келтирилди. Область ва район партия комитетлари бундан жиддий хулосалар чиқариб, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузувчиларга қарши қат'ий кураш олиб боришлари керак. Бу тадбирни амалга оширмай туриб, жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш, пахтачиликни тобора ривожлантиришда жиддий муваффақиятларга эришиш мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда кўклам дала ишлари қизиб бормоқда. Партия ташкилотлари партия йиғилишлари ва конференцияларда пахтачиликни ривожлантириш, ўтган йили йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ йўқотиш тўғрисида коммунистлар томонидан киргизилган таклифларга алоҳида э'тибор қилишлари лозим.

Кўклам экиш ишларининг муваффақияти партия ва совет активларининг асосий давлат вазифасини пухта бажаришларига, раҳбарлик ишларимизнинг услуби ва методларига, давлат ва партия интизомининг мустаҳкамланишига, колхозчилар ва барча меҳнаткашлар ўртасида партиявий-сиёсий ишларнинг кучайтирилишига боғлиқдир.

☆

Бутун партия ташкилотимизнинг фаолияти ва партиявий-сиёсий ишларимиз янада баланд даражага кўтарилган тақдирдагина, Ўзбекистон партия ташкилоти олдида турган вазифаларни бажариш, 1950 йилда пахтачиликни ривожлантириш соҳасида муваффақият қозонишимиз мумкин.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари, хусусан, қишлоқдаги кўпгина партия ташкилотларининг ишларида жиддий камчиликлар борлигини кўрсатди. Бошланғич партия ташкилотларининг заводлар ма'мурияти, колхоз правлениелари ишлари устидан суст назорат қилаётганликларини, асосан хўжалик масалалари билан шуғулланиб, хўжалик ходимларининг вазифаларини бажараётганлигини кўрсатадиган фактлар кўп. Партия ташкилотлари коммунистларни ғоявий жиҳатдан тарбиялашга кам э'тибор қилмоқдалар. Конференцияларда қатнашган кўп вакиллар шу тўғрида гапирдилар ва бундай иш усулларини кескин қораладилар. Хўжалик-ишлабчиқариш масалаларининг муҳокама қилиниши завод, колхоз, МТС, совхоз ва муассаса олдида турган вазифаларни бажаришда партия ташкилотларининг ва ҳарбир коммунистнинг ролини оширишга ёрдам бериши лозим эканлиги кўрсатилди.

Ҳозирги вақтда маҳаллий партия ташкилотлари Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети бюросининг қарорига мувофиқ, колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва янги бошланғич партия ташкилотлари тузиш соҳасида катта иш қилмоқдалар.

Кўпгина колхозларда бошланғич партия ташкилотлари бўлмагани ҳолда, район партия комитетлари уларни ташкил этиш чораларини кўрмаётирлар. Бундай аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Масалан, Самарқанд областида 401, Бухоро областида 312, Қашқадар'ё областида 298, Фарғона областида 151 колхозда бошланғич партия ташкилоти йўқ.

Кўпгина колхозлардаги партия ташкилотлари ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган эмаслар. Шунинг учун ҳам уларнинг колхоз ишига та'сири сезиларлик эмас.

Ўтган йили колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва янгиларини тузишга киришилган эди, лекин бу иш охирига етказилмади. Бу хатони тузатиш керак. Партия ташкилотлари колхозларда партия раҳбарлигини янада мустаҳкамлаб, қишлоқдаги партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни яхши йўлга қўйганларидагина пахтачиликни ривожлантириш соҳасида Иттифоқ ҳукумати томонидан Ўзбекистон партия ташкилоти олдига қўйилган хўжалик-сиёсий вазифаларни бажариш мумкин эканлигини унутмаслик керак.

Ҳозирги вақтда область, шаҳар ва районлардаги партия активларидан, шунингдек йирик партия ташкилотлари бўлган илғор корхоналардан кўпгина коммунистларни колхозларга юбориш ва шу йўл билан янги партия ташкилотлари тузилишини та'минлаш—маҳаллий партия ташкилотларининг жанговар вазифасидир. Шу билан бирга, қишлоқлардаги партия ташкилотлари ВКП(б) сафига янги а'золар қабул қилиш масаласига э'тиборни кучайтиришлари керак. Партия ички ишларининг бу соҳасини яхшилаш, қишлоқ хўжалигидаги энг яхши илғорларни—амалий ишда ўзларини кўрсатган ва Ленин—Сталин партиясининг ишига садоқатини исбот қилган тракторчилар, бригада механиклари, агрономлар, агротехниклар, дала мудирлари, бригада ва звено бошлиқлари, колхозчиларни якка-якка тартибда қабул қилиш керак.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

СССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, композитор **Рейнгольд Морицевич Глиэр**, Глиэр номидаги болалар музыка мактабининг ўқучилари ўртасида.

И. Глауберзон фотоси.

★ ★ ★

Машҳур совет композитори Р. М. Глиэрнинг юбилей кечалари

Машҳур совет композитори, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Рейнгольд Морицевич Глиэр қозир Тошкентда. Свердлов номидаги концертлар залида композиторнинг бирнеча марта ижодий кечаси ўтказилди. Ўзбекистон Давлат филармониясининг симфоник оркестри авторнинг дирижёрлигида унинг «Мис чавандоз» номли янги балетидан сюита, «Қизил гул» балетидан сюита, «Шоҳсанам» операсидан увертюра ижро этди. Шунингдек, композитор томонидан ўзбек темалари асосида яратилган энг яхши музика асарлари ҳам ижро этилди.

23 мартда Тошкент Давлат консерваториясининг концерт залида Тошкент музика жамоатчилиги Р. М. Глиэр билан учрашди. Бу учрашув композиторнинг 75 ёшга тўлганлиги ва унинг «Мис чавандоз» балетига Сталин мукофоти берилганлиги муносабати билан ўтказилди.

Буюк рус композиторлари Танеев, Аренский, Ипполитов — Ивановларнинг шогирди, Чайковский ва Бородин музика мактаби традицияларининг давомчиси Р. М. Глиэр рус композиторлари ичида пешқадамларидан бири бўлиб, совет музика маданиятини яратишда бевосита қатнашди. У, музикада янги совет услубини — социалистик реализм услубини яратган биринчи совет композиторларидандир.

Р. М. Глиэр «Қизил гул», «Мис чавандоз» балетларини, Озарбайжон ҳаётидан олинган «Шохсанам» операсини, «Запорожцилар» деган симфоник манзарани ва бошқа асарларни яратган. У, ўзбек совет музика маданиятини яратиш ва ривожлантириш соҳасида ҳам катта хизмат қилди.

Р. М. Глиэр Ўзбекистонга биринчи марта 1936 йилда келди. У, ўша вақтда «Гулсара» музикали драмаси устида ишлади. Композитор Тўхтасин Жалилов тўплаган халқ қўшиқлари ва композитор Толибжон Содиқов ишлаб чиққан куйлар асосида яратилган бу асар ўзбек халқининг энг севимли спектакльларидан бири бўлиб қолди. «Гулсара» музикали драмаси 1937 йилда Москвада ўзбек музика декадаси вақтида кўрсатилди ва Ватанимиз пойтахти жамоатчилигининг юксак баҳосини олди. Ўзбекистонда йирик опера асарлари яратишда ўша вақтда биринчи қадам қўйилди.

Р. М. Глиэрнинг композитор Т. Содиқов билан ҳамкорликда 1940 йилда ёзган «Лайли ва Мажнун» операси ҳали ҳам театримиз саҳнасида қўйилиб келмоқда. Бу спектакльда биринчи марта мураккаб опера формасидан муваффақиятли фойдаланилган.

Республикамизнинг XXV йиллигига Р. М. Глиэр композитор Т. Содиқов билан ҳамкорликда «Гулсара» операсини ёзди. Бу операнинг Навоий номидаги Ўзбек опера ва балет театри саҳнасида қўйилиши ўзбек опера сан'атини ривожлантиришда катта воқеа бўлди.

Композиторнинг «Фарғона тўйи» увертюраси ҳам машҳурдир. Бу музика асарида ўзбек халқининг Катта Фарғона канэлини вужудга келтиришдаги қаҳрамонона меҳнати акс эттирилган.

Р. М. Глиэр совет музика маданиятини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун уч марта Сталин мукофоти олишга сазовор бўлди, унга, СССР халқ артисти, Ўзбекистон ССР, РСФСР, Озарбайжон ССР халқ артисти деган фахрий унвон берилди.

Учрашув кечасида Ўзбекистон совет композиторлар союзи номидан композитор М. Левиев, Тошкент Давлат консерваторияси профессорлари, ўқитувчилари ва студентлари номидан профессор А. Власов табрик нутқи сўзладилар.

Р. М. Глиэр жавоб нутқи сўзлади.

Кечада катта концерт берилди. Концертда Р. М. Глиэрнинг, шунингдек ўзбек совет композиторларининг асарлари ижро этилди.

«ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОН» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«МОТОР-РЕМОНТ ЗАВОДИ МУҲИМ ТОПШИРИҚНИ БАЖАРМАЁТИР»

«Қизил Ўзбекистон»нинг шу йил 5 март сонида юқоридаги сарлавҳа остида ўртоқ А. Ҳамдамовнинг мақоласи босилган эди. Мақолада Андижон областининг Ленин районидаги мотор-ремонт заводи ремонт ишларини қониқарсиз бажараётганлиги, бунинг натижасида трактор моторлари ва запас қисмларининг ремонти кечиктириб юборилаётганлиги кўрсатилган эди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Автотрактороремонт» трестининг бошқарувчиси ўртоқ Народний мазкур мақола юзасидан текшириш ўтказилганлигини ва мақолада кўрсатилган фактлар тўғри топилганлигини редакциямизга хабар қилди.

«Автотрактороремонт» трести Ленин районидаги мотор-ремонт заводидаги камчиликларни тугатиш ва ремонт ишларини тезлаштириш учун заводни зарур запас қисмлар билан та'минлади. Шунингдек заводга амалий ёрдам кўрсатиш учун бирқанча тадбирлар белгиланди.

Партия конференцияларининг қарорларини большевикча амалга оширайлик

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Қолхозлардаги партия ташкилотларининг секретарьлигига партиянинг яхши тайёрланган а'золарини, партия ташкилотларига пухта раҳбарлик қилаоладиган кишиларни юбориш муҳим вазифадир. Чунки бошланғич партия ташкилотида партиявий ишнинг савияси кўп жиҳатдан секретарьга боғлиқдир.

Кўпгина партия конференцияларининг вакиллари район ва шаҳар партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига суст раҳбарлик қилмоқдалар, совет ва хўжалик органларининг ишларини ўз зиммаларига олмоқдалар, деб тўғри танқид қилдилар. Район ва шаҳар партия комитетларининг ба'зи ходимлари корхоналарга, колхозларга кам бораётганликлари, борганларида ҳам фақат корхона директори, колхоз раиси билан учрашиб, партия ташкилотининг секретари ва коммунистлар билан сўзлашишни лозим топмаганликлари ҳам кўрсатилди.

Район партия комитетлари ходимлари кўп вақтни ҳархил қарор ва ма'лумотлар тузишга сарф қилаётганликлари танқид қилинди. Бундай қолларда бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва улар билан маҳкам алоқа боғлаш ўрнига мажлисбозлик, ёзма директивлар бериш, қоғозбозлик ҳукм суради.

Район ва шаҳар партия комитетларининг турли соҳаларда иш олиб боручи бўлимларининг ишларидаги камчиликлар, уларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан маҳкам алоқа боғламаганлиги уқдириб ўтилди. Бу бўлимларнинг ходимлари кўп вақтда хўжалик раҳбарлари усулида ишлайдилар. Бу танқидлардан қандай хулоса чиқариш керак? Дастлаб бўлимларнинг ташкилотчилик ролини ошириш керак, токи улар бошланғич партия ташкилотларига таяниб, саноат корхоналари, колхоз ва МТСларнинг ишларини назорат қилаолсинлар. Мазкур бўлимлар хўжалик раҳбарларининг иши ва саноат ҳамда қишлоқ хўжалигидаги ишнинг сифати бланкизм шуғулланиб қолмай, корхона ва колхозларда партия ишлари билан ҳам қизиқишлари ва уни уюштиришлари лозим.

Турли соҳаларда иш олиб боручи бўлимларнинг ба'зи бир ишни уддалайолмаган, оперативчилик кўрсатишни истамаган ва шу бўлимларнинг ҳимоясига сиғинмоқчи бўлган хўжалик ходимларининг ишини ўз зиммасига олишига қарши қаттиқ кураш олиб бориш керак. Бу эса хўжалик ходимларида жавобгарликни оширади.

Ба'зи партия конференцияларида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, айрим министрликлар, чунончи коммунал хўжалиги, сув хўжалиги, савдо, соғлиқни сақлаш министрлиги ва бошқа муассасаларнинг ишлари ҳам танқид қилинди. Министрликларнинг ишларига жиддий э'тибор қилиш, совет муассасаларидаги партия ташкилотларига раҳбарликни кучайтириш, уларнинг иш қобилиятини ошириш керак.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг Бюроси «Шаҳар ва район партия конференциялари ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказиш якунлари тўғрисида» деб чиқарган қарорида область, шаҳар, район ва бошланғич партия ташкилотлари партиявий-сиёсий ва партиявий-ташкилий ишларни ҳартарафлама кучайтиришлари, большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришлари лозим эканлигини та'кидлади. Бу тадбирларни амалга оширмай туриб, ишда муваффақият қозониш ва кадрларни тўғри тарбиялаш мумкин эмас.

Партия комитетларининг ва биринчи галда сайловдан вақтида ишлари қониқарсиз деб топилган комитетларнинг ҳисоботларини мунтазам суратда эшитиб туриш керак.

Бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари секретарьларининг талайгина қисми бу ишга биринчи марта киришганликларини ва жиддий ёрдамга муҳтож эканликларини э'тиборга олиб, бошланғич партия ташкилотлари, район ва шаҳар партия комитетлари секретарьларининг семинарларини системали суратда ўтказиб туриш лозим.

ВКП(б) Уставининг бузилишига ҳотима бериш, партия комитетларининг пленумларини ҳамда партия активларининг йиғилишларини ўз вақтида ўтказиш ва бу билан Ўзбекистон партия ташкилотларида большевикча танқид ҳамда ўз-ўзини танқидни янада кучайтиришга ёрдам бериш керак.

Партия йиғилишлари ва конференцияларда коммунистлар республика партия ташкилотларининг ишларини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган қўпгина қимматли таклифларни киритдилар. Коммунистларнинг танқидий мулоҳазаларини ва қимматли таклифларини э'тибор билан ўрганиш, ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференцияларда чиқарилган қарорларнинг қандай бажарилаётганлигини кун сайин текшириб туриш—муҳим вазифадир. Бу чора партиявий ишларни юксак даражага кўтариш учун энг муҳим шартдир.

Аммо кўпгина партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференцияларининг қарорларини амалга оширишга кечикиб киришганликлари текшириш натижасида аниқланди. Водил район партия комитети конференциядан кейин колхозларга раҳбарлик қилишда жиддий хатоларга йўл қўйди. Район партия комитети район партия конференциясида бўлган амалий танқиддан тегишли хулоса чиқариб олмади. Хоразм областидаги қишлоқ район партия комитетларининг кўпи партия конференцияларининг қарорларини пухта бажармаётир.

Область партия комитетлари район партия комитетларига раҳбарликни кескин суратда яхшилашлари керак. Партия конференцияларининг қарорларини бажаришга э'тиборсизлик билан қараган район партия комитетлари раҳбарларини тартибга чақириш керак. Бундай ходимлар партия конференциялари район партия ташкилотининг юқори органи эканлигини ва район партия комитетининг ходимлари партия конференцияларининг қарорларини ҳеч оғишмай большевикларча бажаришлари кераклигини унутмасинлар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференцияларининг қарорларини ўз вақтида ва тўла амалга ошириш—барча партия ташкилотларининг ва ҳарбир коммунистнинг энг муҳим вазифасидир.

Большевикча танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтирайлик, бутун кучи кўклам экинини намунали ўтказишга қаратайлик!

СССР Лейпциг ярмаркасида

Бутун Иттифоқ савдо палатасининг Лейпцигдаги кўклам ярмаркасида қатнашган вакиллари Москвага қайтиб келдилар. Улар ТАСС мухбири билан қилган суҳбатларида СССР павильони Лейпциг ярмаркасида ғоят катта муваффақият қозонганлигини айтдилар. Совет павильонини икки миллионга яқин киши келиб кўрган.

Павильоннинг виставка майдони 17 минг квадрат метрдан ортиқ жойни ишғол қилиб, бу ерда станоклар, машиналар, ўлчов асбоблари, кучли экскаваторлар, нефть вишкалари, автомобильлар қўйилган. Виставкада тўқимачилик, тикувчилик саноатининг моллари, совет чинни идишлари кўрсатилган.

Совет павильонини тамоша қилган кишилар дафтарга ўз таассуротларини ёзиб, совет экономикасининг қудратини, дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг бойлиги ва катта муваффақиятларини кўрсатган бу экспонатлардан жуда қойил қолганликларини изҳор қилганлар.

1950 йилги Лейпциг ярмаркасида 14 давлатдан — Германия демократик республикаси, Польша, Румония, Венгрия, Булғория, Буюк Британия, Голландия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан 125 фирма ва бирлашма қатнашган. Халқ демократияси мамлакатлари ярмаркада урушдан кейинги йилларда эришган муваффақиятларини кўрсатганлар. Румония ўзининг мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотларини, Чехословакия ўзининг кенг исте'мол моллирини, Польша ўзининг паровоз, вагонлар ва машиналарини, Венгрия эса — вино, мўйна, электр саноати буюмлари ва бошқаларни намойиш қилганлар. (ТАСС).

ИСЛАНДИЯДА СССР БЛАН МАДАНИЙ АЛОҚА ЖАМИЯТИ ТУЗИЛДИ

РЕЙКЬЯВИК, 21 март. (ТАСС). Исландия жамоатчилиги кенг доиралари вакилларининг иштироки билан бўлган та'сис йиғилишида Исландиянинг Совет Иттифоқи билан маданий алоқа жамияти ташкилий жиҳатдан батамом расмийлаштирилди. Жамият правлениесининг раиси қилиб Исландиянинг машҳур ёзувчиси Халъдор Кильян Лакснесс сайланди.

Йиғилишда 800 киши қатнашди.

Рейкьявикнинг тараққийпарвар жамоатчилиги Жамият тузилишини самимий ма'қуллади.

ИТАЛИЯДАГИ УМУМИЙ ИШТАШЛАШГА ДОИР

РИМ, 23 март. (ТАСС). Римда одинган ма'лумотларга қараганда, кеча соат 18 да тамом бўлган умумий ишташлаш Шимолий Италиядаги ва Жанубнинг бошқа бирқанча марказларидаги меҳнаткашларнинг уюшқоқлик билан қат'ий ҳаракат қилганлигини яққол кўрсатди. Полициянинг аралашувига қарамай, Генуя, Турин, Милан, Болоньеда, шунингдек Ломбардия ва Эмилиядаги бошқа марказларда катта норозилик намойишлари ва митинглари бўлди.

Саноат корхоналарида иш бутунлай тўхтаб қолди, шаҳар транспорти ишламади. Ҳамма жойда намойишчилар билан полиция ўртасида тўқнашувлар юз берди. Полиция кадтакларни, кўздан ёш оқизадиган газларни ва сув шлангларини ишга солиш блангина чекланмай, кўп жойда ишташлаган ишчиларни ўққа ҳам тутди. Пармада полициячилар бир ишчини ўлдирдилар. Барида бирнеча ишчи яралар бўлди.

УМУМИТАЛИЯ МЕҲНАТ УЮШМАСИНИНГ АХБОРОТИ

РИМ, 23 март. (ТАСС). Кеча умумий ишташлаш тамом бўлганидан кейин Умумиталия меҳнат уюшмаси (ВИКТ) ахборот чиқарди. Ахборотда бундай дейилади:

«Умумиталия меҳнат уюшмасининг секретариати умумий ишташлашнинг жуда муваффақиятли ўтганлигидан ғоят мамнун эканлигини билдиради. Бу умумий ишташлаш ҳамма жойда илгариги ишташлашларга қараганда ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтди. Бу катта намойиши блан Италиянинг меҳнаткаш халқи конституциядаги эркинликларга қилинаётган ҳарқандай суиқасдларга қаршилик кўрсатишга маҳкам бел боғлаганлигини ҳамда меҳнат ҳуқуқи учун ва турмуш шароитини яхшилаш учун республика қонунлари доирасида курашаётган меҳнаткашларга нисбатан кўрилаётган жазо чораларига қаршилик кўрсатишга қаттиқ бел боғлаганлигини яққол исбот қилди...

Умумиталия меҳнат уюшмасининг секретариати полициянинг Пармада яна бир ишчини ўлдирганининг мамлакат олдида фош қилади. Бу ерда автомат ўқи блан бир ишсиз ишчи ўлдирилди ва кўп киши яралар қилинди.

Умумиталия меҳнат уюшмасининг секретариати Парма пролетариатига қардошларча хайрихоҳлик билдириб, меҳнаткаш итальянларнинг жанговарлигини ва интизомлилигини қониқиш блан та'кидлаб ўтади. Умумиталия меҳнат уюшмаси ижроия комитетининг қарорига мувофиқ, умумий ишташлаш бутун Италияда 22 март соат 18 да тамом бўлди, бундан фақат Парма вилояти мустасноди. Бу ерда ишташларни бирининг ўлдирилганига қарши норозилик билдириш ва мотам юзасидан ишташлаш 23 мартда давом этдирилади.

Умумий ишташлаш вақтида меҳнаткашлар кучли экстликларини ва мас'улият хиссини сезганликларини кўрсатдилар, кўпгина марказларда уюштирилган игвогарликларга учмадилар. Бу ҳол ҳукуматни ва ҳукмрон синфларни огоҳлантириб қўйиши керак! Мамлакат душманлик ва жабрзулм сиёсатидан воз кечишни талаб қилмоқда. Мамлакат конституциядаги эркинликларнинг тўла ҳурмат қилинишини ва миллий иттифоқ сиёсати юргизилишини талаб этмоқда. Бу сиёсат меҳнаткашларни иш блан та'минлаш ва уларнинг турмушини яхшилаш ҳақидаги ҳамма талабларни қондирган бўлур эди. Умумиталия меҳнат уюшмаси мамлакатдаги демократик кучлар ва халқ оммаси блан тўла иттифоқ бўлиб, меҳнаткашларнинг демократик эркинликларини ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини давом этдиради».

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА БИР ГУРУҲ ЖОСУСЛАР ИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКМ ЧИҚАРИЛДИ

ПРАГА, 23 март. (ТАСС). Давлат суднинг сайёр сессияси чехословак халқининг 14 ҳоини, я'ни чет эл жосуслари ва террорчилар иши юзасидан ҳукм чиқарди.

Миллий хавфсизлик корпусининг лейтенантини ўлдирган айбдор Яромир Ветейшка суд томонидан ўлим жазосига, айбдор М. Кроупалова умрбод қамоқ жазосига, Ватикан жосуси М. Бечка 30 йил қамоқ жазосига; америка разведкаси ва Ватикан учун жосуслар етказиб турган католик руҳонийси Поризка 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилдилар. Қолган айбдорлар 4 йилдан 30 йилгача муддат блан қамоқ жазосига ҳукм қилиндилар. Бундан ташқари, барча айбдорларга штраф солинди ва улар турли муддатга гражданлик ҳуқуқларидан маҳрум этилдилар

Чехословакия жамоатчилиги суд ҳукмини зўр мамнуният блан ма'қуллади.

БУЛҒОРИЯ СУДИ БИР ГУРУҲ ЖОСУСЛАР ИШИ ЮЗАСИДАН ҲУКМ ЧИҚАРДИ

СОФИЯ, 22 март. (ТАСС). София округ суди бир гуруҳ жосусларнинг ишини кўриб бўлди. Бу гуруҳ 1944 йил 9 сентябрдан кейин Ватан фронти халқ ҳукуматига қарши душманлик ишлари олиб бориш ва инглиз разведкаси фойдасига жосуслик қилиш мақсадида тузилган.

Айбдор Стефан Манов судда айтган сўзларида инглиз разведкаси агенти Кирилл Славов орқали 1940 йилдаёқ Англия разведкаси блан алоқа боғлаганлигига иқрор бўлди.

Бошқа айбдорлар ҳам ўз сўзларида жиноий ишларини батафсил гапириб бердилар.

Барча айбдорлар ўз айбларига ва қилган оғир жиноятларига тўла иқрор бўлдилар.

Суд Стефан Васильев Мановни, умрбод қамоқ жазосига, барча ҳуқуқлардан маҳрум этишга, штраф солишга ва мол-мулкининг бир қисмини мусодара этишга, Пенк Василев Радевни, Василь Яневе Раковскийни, Кристю Василев Зуевни ва Петр Цветков Аврамовни 10 йилдан қаттиқ қамоқ жазосига, 11 йил ҳуқуқдан маҳрум этишга, штраф солишга ва мол-мулкларининг бир қисмини мусодара этишга, Ганчо Ефтимов Ангеловни 8 йил қаттиқ қамоқ жазосига, 10 йил ҳуқуқдан маҳрум этишга, штраф солишга ва мол-мулкининг бир қисмини мусодара этишга ҳукм қилди.

БРИТАНИЯ ТРЕД-ЮНИОНЛАР КОНГРЕССИ РАҲБАРЛАРИНИНГ КОММУНИСТЛАРГА ҚАРШИ СИЁСАТИ

ЛОНДОН, 23 март. (ТАСС). Британия тред-юнионлар конгресси Бош кенгашининг собиқ а'золаридан бири Боммен давлат мансабига тайинланганлиги муносабати блан, кеча инглиз касаба союз ҳаракати раҳбарлик органи—Британия тред-юнионлар конгресси (БКТ) Бош кенгашига қўшимча сайлов ўтказилди. Англияда энг йирик касаба союзларидан бири бўлган ва 600 минг а'зони бирлаштирган кончилар Миллий касаба союзи Бош кенгашидаги бўш ўринга ўзининг бош секретари —инглиз ишчилар ҳаракатининг кекса ходими, омма ўртасида катта обрў қозонган коммунист Артур Хорнерни номзод қилиб кўрсатган эди.

Британия тред-юнионлар конгрессининг Бош кенгашидаги ўнг раҳбарлар, гарчи Хорнерни «Англиядаги бешта энг яхши касаба союз раҳбарларидан бири» деб э'тироф қилсалар ҳам, «биз Бош кенгашда коммунистга ўрин бераолмаймиз» деб очиқдан-очиқ э'лон қилдилар.

Британия тред-юнионлар конгрессининг ўнг раҳбарлари касаба союз демократиясини қўпол равишда бузиб, кончилар касаба союзидаги юзмингларча оддий а'золарининг хоҳишини мутлақо назарга олмай, Хорнернинг номзодини ўтказмадилар. Натижада кончилар Миллий касаба союзидек катта ташкилот Британия тред-юнионлар конгрессининг Бош кенгашида фақат бир вакилга эга бўлиб қолди.

АМЕРИКА УЗОҚ ШАРҚДА ЖОСУСЛИК ИШЛАРИНИ КУЧАЙТИРМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 23 март. (ТАСС). «Вашингтон пост» газетасининг хабарига қараганда, Америка Қўшма Штатларининг давлат департаменти Узоқ Шарқда жосуслик ишларини кучайтириш чораларини кўрмоқда.

«Вакиллар палатасининг молия масалалари блан шуғулланучи комиссияси тасдиқлаган маблағлар ёрдами блан, — деб ёзади газета, — давлат департаменти Хитой чегараси бўйидаги кузатувчи постларчи кучайтирмоқчи. Илгари Хитойда бўлган расмий вакиллар Хитойдан узоқ бўлмаган бошқа постларга, Шарқи-Жанубий Осиё, Ҳиндистон ва Покистонга юборилардилар. Қўшма Штатлар Узоқ Шарқда яна 13 та консулхона ва Ўрта Шарқда бир қочқунсулхона очади. Бу консулхоналар илгари ҳечқачон америка ваколатхоналари бўлмаган жойларда очилади».

Давлат департаменти жосуслик блан шуғулланадиган бу янги «кузатиш постлари»ҳаерда очилажагини сир тутмоқда. Аммо «Вашингтон пост» газетасининг фикрича, «ба'зи постлар Хитой чегараси яқинида, Ҳинди-Чиний ва Бирмада, эҳтимол Непал ва Кашмирнинг Гималай районларида ташкил қилинади».

БЕЛЬГИЯДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИГА ДОИР

БРЮССЕЛЬ, 23 март. (ТАСС). Мамлакатда сиёсий аҳвол кескин тус олганлиги, ишташлаш ҳаракати кучайганлиги, социал-христианлар партияси сафида ажралиш бошланганлиги ва либераллар партияси социал-христианлар партияси таклиф этган шартларда ҳукумат составида иштирок қилишни истамаганлиги сабабли Эйскенс янги ҳукумат составини тўғрисида музокаралар олиб боришдан воз кечди.

Регент ҳукумат тузиш мақсадида музокараларни давом этдиришни Картон де Виарга (социал-христианлар партияси) топширди.

ФИНЛЯНДИЯ СЕЙМИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 23 март. (ТАСС). Финляндия сейми ҳозирги бош министр Кекконеннинг уни сейм раиси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги илтимосини қондирганлиги сабабли, бугун сеймнинг янги раиси сайланди. Сейм раиси қилиб собиқ бош министр Фагерхольм сайланди (у социал-демократлар партиясининг а'зосидир).

ЭРОНДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИ

ТЕҲРОН, 23 март. (ТАСС). Саид ҳукумати исте'фо бериб, шоҳ бу исте'фони қабул қилганидан кейин, янги ҳукумат тузишни шоҳ Эронинг собиқ бош министри Али Мансурга топширди.

ЭРОН БЛАН ПОКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРГА ДОИР

КАРАЧИ, 23 март. (ТАСС). «Дооп» газетаси хабар беради: Эронда ҳозирги вақтда Эрон блан Покистон ўртасида «ўзаро мудофаа аҳди» тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда.

Мас'ул муҳаррир:
Ҳ. ҒУЛОМОВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 25 мартда **Алпомиш**, 26 мартда кундуз **Алпомиш**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кундуз **Полк ўғли** (янги нусхаси), кечқурун **Фақир студент**.

«РОДИНА» — кундуз **Ҳаётфурушлар**, кечқурун **Тоҳир ва Зуҳра** (рус тилида).

«НАВОИЙ»—кундуз **Чўртан балиқнинг амри блан** (янги нусхаси), кечқурун **Ҳинд маҳбараси** (2-нчи серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Қадимги водевиль**.

«ИСКРА» — **Цирк артистлари**.

«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун рангдор фильм **Берлининг таслим бўлиши** (2-нчи серия).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА—**янги келган артистларнинг иштироки блан катта цирк тамошалари ва классик курашлар.** Тамоша кеч соат 9 да бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕНГИЛ САНОАТ МИНИСТРЛИГИНИНГ 7-НЧИ ЗАВОДИ

Республикадаги корхона, ташкилот ва колхозларнинг

ҳархил қувватдаги

ЭЛЕКТРОМОТОР, ГЕНЕРАТОР, ДИНАМОМАШИНА ВА ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИ

РЕМОНТ ҚИЛАДИ,

шунингдек

электродвигательларнинг подшипникларини алиштириб беради.

Заводнинг адреси: Тошкент шаҳар, Леваневский кўчаси, 2-нчи уй. Телефон — 38-145 ва 36-453, қўшимча телефон — 22.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА

Сталин мукофоти лауреати, СССР халқ артисти, композитор

Р. М. ГЛИЭРНИНГ

туғилган кунига 75 йил тўлиши муносабати блан

ИККИ ЮБИЛЕЙ СПЕКТАКЛИ

қўйилади.

26 мартда кундуз

Р. М. Глиэр музикаси

ҚИЗИЛ ГУЛ

3 пардали балет.

Дирижёр — автор.

Спектаклда Сталин мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Галия Измайлова** қатнашади.

26 мартда кечқурун

Р. М. Глиэр ва Содиқовлар музикаси

ГУЛСАРА

4 парда, 5 кўринишли опера

«ГЛАВКИНОПРОКАТ»НИНГ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ

Республика кинотеатрларида кўрсатиш учун:

қуйидаги бадний фильмларни

ЯНГИДАН ЧИҚАРАДИ:

1. Бўйсунмаганлар

Сценарий авторлари—Б. Горбатов, М. Донской.

Режиссёрлар—М. Донской, Р. Перельштейн, Е. Зимберштейн.

2. „Орёл"нинг ҳалокати

Сценарий автори — Г. Э. Гребнер.

Режиссёр — В. Журавлёв.

3. Биринчи қўлқоп

Сценарий автори — А. Филимонова.

Режиссёр—А. Фролов.

4. Улуғ тонг

Сценарий авторлари — Г. Цагарели, М. Чиаурели.

Режиссёр—М. Чиаурели.

5. Боскин

6. Зоя

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.
«Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1327. Р. 00993.